

# Бир муборак ҳадис ўгити

**Муниса рўзғор юмушларини туга-тиб, стол устида турган ҳадис китобини варақлай бошлади. Шунда бир ривоят унинг диққатини тортди.**

«Салмон Форсий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Бир куни Фотима розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига йиғлаб кирди. Сарвари олам Фотима Захродан сўрадилар:

- *Эй Фотима, сени нима йиглатди?*

- Эй Аллоҳнинг Пайғамбари, мен билан куёвингиз Али розияллоҳу анҳу ўртамиизда бир сўз ўтди. У киши мендан қаттиқ хифза бўлди. Мен у кишига узримни айтдим. Сўнгра хушнуд бўлиб юзимга қаради.

Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

- *Агар аёл киши беш маҳал намозини ўқиса, (Рамазон) ойи рўзасини тутса, иффатини сақласа, эрига сўзсиз итоат этса, жсаннатнинг хоҳлаган дарвозасидан киради (Имом Ибн Хиббон ривояти).*

Муниса бу ҳадисни ўқиб, хаёлга толди. Турмуш қурганига ўн йилдан ошибди. Ўтган давр мобайнида эрини кўп бор ранжитди. Баъзан Аҳмаджонга: “Қачон биримиз икки бўлиб, бошқалардек бекаму кўст яшаймиз? Ўқитувчиликнинг ортидан ҳеч қачон ўнгланмайсиз, сиз ҳам савдогарлик қилинг ёки бошқаларга ўхшаб чет элга бориб ишланг”, дея зуғум ҳам ўтказган. Бироқ эри сабрли йигит. У ҳар иши, сўзида



етти ўлчаб бир кесади. Шу пайтгача хотинига бирор марта қаттиқ гапирмаган.

Бугун эрталаб ҳам Муниса эрини яхши кайфият билан ишга жўнатиш ўрнига дастурхон бошида ичаётган чойини заҳар қилди. У шуларни ўйлаб, ич-ичидан пушаймон бўлди. “Мен гуноҳга ботиб юрган эканман”, дея ўзини койиди. Кўзларидан тўқилаётган ёш гўё қалбларидан сизиб чиқар, ич-ичидан Парвардигордан гуноҳлари мағфират қилинишини сўраркан, руҳан енгил тортди.

Шу кундан бошлаб Муниса ўзгарди. Эри ишдан келгунча ҳаммаёқни саронжом-саришталаб, ошни дамлаб қўйди. Аҳмаджон эшикдан кирапкан, рафиқаси уни табассум билан салом бериб кутиб олди. Бу илтифотни кутмаган Аҳмаджон: “Куёш қаердан чиқди?” деди.

Дастурхонга ўтиришдан олдин Муниса: “Дадаси, мени кечиринг, сизни кўп ранжитдим”, дея кўзига ёш олди. Аёлининг қаттиқ пушаймонлигини сезган Аҳмаджон унинг бошини силаб: – Майли, қўявер, бўлиб турди-да, аяси, – деб хотинини юпатди.

Эртаси куни Муниса бир қариндошининг тўйига бориши учун пишириқлар тайёрлади. Тўйга келган меҳмонлар унинг бу пазандалигини эътироф этишди. Шушу унга пишириғу шириналлар учун буюртмалар кела бошлади. Унинг пазандалиги бутун қишлоққа ёйилди. У ҳатто бир неча хотин-қизларни шогирдликка ҳам олди. Аҳмаджон эса уйининг ёнидан дўкон очди. Муниса фарзандларини тарбияси баробарида оила даромадига ҳам яхшигина ҳисса қўша бошлади. Айни дамда бу оила қишлоқдаги кўпчиликка намуна.

Тинчлик-хотиржамлик, шукроналик бўлган жойга барака ёғилади, деб бежиз айтишмаган.

**Абдусами АЗИЗОВ,**  
Ургут туманидаги “Гиштили” жоме  
масжиди имом-хатиби



**Нуриддин домла  
ХОЛИҚНАЗАРОВ,  
Ўзбекистон мусулмонлари  
идораси раиси, муфтий**

Бугун дунёда турли таҳдидлар, хавфлар шунчалик кўпайганки, улар орасида энг хатарлиси кўз илғамас фитналардир. Фитна фақат бирор-бир замон ёки ма-конгагина хос эмас. Шундай экан, ҳар бир инсон бу каби иллатлардан сергак ва огоҳ бўлиши лозим.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаровнинг “Фитна – кўз илғамас хатар” номли китоби (“Shamsuddinxon Boboxonov” НМИУ, 2023 й.) фитналардан огоҳ этувчи муҳим манбадир. Рисолада фитнани келтириб чиқарувчи омиллар, унинг оғатлари ва олдини олиш йўллари ҳар бир китобхонга тушунарли шаклда баён этилган. Мутахассислар ва муштариyllарнинг таклифлари асосида мазкур китоб мавзуларини журналимиз саҳифаларида ёритиб боришни лозим топдик.

## Фитна – кўз илғамас хатар

### ФИТНА

“Фитна” арабча сўз бўлиб, “синаш”, “балога йўлиқтириш”, “имтиҳон қилиш”, “текшириш”, “ажратиш”, “сарапаш” каби бир қанча маъноларни англатади.

**فَتَنْتُ الْفِضَّةَ وَالدَّهَبَ إِذَا أَذْبَهُمَا بِالنَّارِ لِتُمَيِّزَ الرَّدِيءَ مِنَ الْجَيِّدِ**

Араб тилида “Фатантул физзота ваз заҳаба”, яъни олтин ва кумушнинг яхшисидан ёмонини ажратиш учун уни ўт билан эритдим”, дейилади. Аслида “фитна” сўзи ижобий маъно англаған. Кейинчалик истеъмолда салбий маънода қўлланадиган бўлиб кетган.

“Фитна” сўзи яна бирор нарсадан ҳайратланиб, ажабланишга нисбатан ҳам қўлланилади. Демак, фитна “имтиҳон” маънисида келса, ижобий, “фасодга олиб борувчи”, “ажабланиш” йўсунида келса, салбий маънога далолат қиласди. Луғатшунос олимлар “фитна”нинг бир қанча маънолари борлиги ни айтганлар.

Журжоний раҳматуллохи алайҳ айтади: “Фитна инсоннинг яхши ва ёмон ҳолатини баён қиласдиган нарсадир”.

Ибн Ҳажар раҳматуллохи алайҳ айтади: “Фитна ҳақ ва ботил билинмайдиган дараҷада мулк талабида ихтилоф қилишдан пайдо бўладиган нарсадир”.

Азҳарий раҳматуллохи алайҳ: «“Фитна” синаш, имтиҳон қилиш маъноларини беради».

Муновий раҳматуллохи алайҳ: “Фитна бир оғат бўлиб, яширин ишларни фош қиласдиган муомаладир”.

“Фитна” сўзининг истилоҳдаги таърифи эса луғатдаги каби кўп маъноларни билдиради. Олимлар томонидан айтилган истилоҳларни бир жойга жамлайдиган бўлсақ, қўйидаги таъриф келиб чиқади: «“Фитна” салбий ва ижобий маъноларга эга сўз бўлиб, ижобий маънода келса, имтиҳон қилиш, салбий маънода келганида фасод ва алданиш-адашиб маъноларини англаувчи ижтимоий иллатdir».

Куръони каримнинг турли оятларида “фитна” сўзи бир қанча, жумладан, “ширк”, “куфр”, “гуноҳ”, “азоб”, “синов”, “қотиллик”, “тўғри йўлдан тўсиш”, “залолат”, “узр”, “фафлат” каби маъноларда келади.

Шуни яхши билиб олишимиз керакки, Куръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларда Аллоҳ таолога нисбати берилган “фитна” сўзи бандаларни синаш, имтиҳон қилиш маъносида келади. Мўмин кишининг мол-давлати, бола-чақаси, мансаби ва насласабини деб фитнага учраши ажабланиш маъносидадир.

## Мундарижа



Журналда оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

### Баракали оила

Бир муборак ҳадис ўгити ..... 1

### Огоҳлик – давр талаби

Фитна – кўз илғамас хатар ..... 2

### Тафсир

Биз билмайдиган нарсаларни  
ҳам яратади ..... 4

### Мусулмон одоби

Ким мулойимлиқдан маҳрум бўлса... ..... 5

### Насиҳат

Ҳақиқат шуки... ..... 7

### Саҳобалар ҳаёти

Ҳидоятта қайтган жангчи ..... 8

### Бизнинг сұхбат

Намунали имом қандай  
бўлиши керак? ..... 10

### Бугуннинг гапи

Жинсимизга мос, муносиб  
бўлайлик ..... 13

### Зарурий фиқҳ

“Касса” ўйнаш жоизми? ..... 14

### Масала

Сўраган эдингиз... ..... 16

### Улуғларимиз

Қақраган дунёнинг  
обиҳаёти ..... 18

### Муносабат

Хаё иймондандир ..... 19

### Саодат күчганилар

Ҳазрат Билолнинг изтироби ..... 20

### Убудият

Шаҳодат калимасининг фазилати ..... 21

### Тарбия

Энг яхши мерос ..... 22

### Ибратли ҳикоят

Тавбани кечиктирган тиқувчи ..... 23

### Буюклар сабоги

Етти муборак таълим ..... 24

### Шеърият

Ўғри, қаззобларга берма қўлингни... ..... 26

### Мухлисдан мактуб

Журналхон эътирофи ..... 27

### Дунёдан дараклар

Ислом ва олам ..... 28

### Устозларимиз

Камтарга камол ..... 29

### Саодат асрига саёҳат

Асиrlар ҳақида музокара ..... 30

### Минтақа

Тай мусулмонлари кўпаймоқда ..... 32

“У яна сизлар учун иссиқ (кийим) ва (турли) манфаатлар бўлсин деб, чорва молларини ҳам яратди ва улардан тановул ҳам қилурсиз. Яна сизлар учун уларда кечқурун (ўтлоқдан) қайтаётган ва тонгда (ўтлоққа) кетаётган пайтида гўзал манзара пайдо бўлур. Шунингдек, улар (мазкур ҳайвонлар) сизлар жонларингизни қийнаб етадиган юртларга юкларингизни кўтариб борур. Албатта, Раббингиз меҳрибон ва раҳмлидир. У яна минишингиз учун ва зийнат сифатида отлар, хачирлар ва эшакларни (яратди). Яна, сизлар (ҳали) билмайдиган нарсаларни ҳам яратур” (*Наҳл сураси, 5–8-оятлар*).

## Биз билмайдиган нарсаларни ҳам яратади

Аллоҳ таоло Одам боласи учун яратган ҳар бир нарсада инсонлар учун манфаат бордир. Эътибор бериб қаралса, Ой, Қуёш, Ер, тоғлар, наботот ва ҳайвонот олами, ҳатто денгизлар ва улар тубидаги жониворлар – барча-барчаси одамзотнинг хизматида.

Оятда зикр этилган “дифъун” сўзини баъзи муфассирлар ҳар бир ҳайвоннинг насли деб шарҳлаган. Имом Қутабий эса инсон манфатланадиган ҳар бир нарса “дифъун” дейилади, деган.

**“Яна сизлар учун уларда кечқурун (ўтлоқдан) қайтаётган ва тонгда (ўтлоққа) кетаётган пайтида гўзал манзара пайдо бўлур”.** Чорва ҳайвонлари – туя, от, сигир, қўй – бу жониворларнинг ҳар бири инсон учун кони фойда. Сути, гўшти озуқа ва емак бўлса, жуни ва териси тўшак ва кийимдир. Айниқса, ҳайвонларнинг пода-пода, сурув-сурув бўлиб эрталаб ўтлоққа кетиши ва кечки пайт ҳам шу тарзда қайтиши кишига роҳат бағишлайди.

Айниқса, туянинг таърифи ўзгача. Аллоҳ таоло: “Ахир, улар туяларнинг қандай яратилганига боқмайдиларми?” (*Рошия сураси, 17-оят*), деб марҳамат қилган. Дарҳақиқат, туя бежиз “Чўл кемаси” деб номланмайди. Бу жонивор оғир юкларни ташиб, борган жойини уч ойгача адашмай топиб келади. Бўронлар қўмтепаликларини мунтазам ўзгартириб, йўлларни, изларни ўчириб юборса-да, манзилни топишида бу ҳолат туяга асло қийинчилик туғдирмайди.

Ҳамма ҳайвонларда ўт пуфаги бўлса-да, лекин туяда ўт пуфаги бўлмас экан. Шунинг учун туяда сабр-тоқат кўпроқ, буйруққа осонгина бўйсунгани учун унга “Абу Айюб” деб

лақаб берилган. Туянинг жигарида ўт пуфагига ўхшаган бир парча тери бўлиб, унда сўлак мавжуд.

Шу ва бошқа биз билмаган жиҳатлар туяда борлигини кўриб, Аллоҳ таолонинг “Шунингдек, улар (мазкур ҳайвонлар) сизлар жонларингизни қийнаб етадиган юртларга юкларингизни кўтариб борур” оятига мувофиқ улкан жонивор кичкина боланинг ҳам амрига буйсуниб кетаверишига лол қоласан киши.

“У яна минишингиз учун ва зийнат сифатида отлар, хачирлар ва эшакларни (яратди)”. Оятда зикр этилган “зийнат” сўзининг икки хил маъноси бор: 1) от, хачир ва эшак ўзи юрганида унча гўзал кўринмайди. 2) Агар мазкур уловларга эгар-жабдуқ қўйилиб, одам минса, ҳам салобатли бўлади, ҳам зийнатли кўринади.

**“Яна, сизлар (ҳали) билмайдиган нарсаларни ҳам яратур”.** Мана шу оят аслида мўмин-мусулмоннинг ўқиб-изланиши учун катта ундовдир. Замон охирлашган сари дунё кўзимизга янада музайян, янада мукаммал кўринмокда. Илмлар дунёнинг яногида очилган чечакдек тобора инсонга ҳали кашф этилмаган қирралари очилишидан Қуръон орқали дарак бермоқда.

Бунинг исботи ўлароқ, сув қувватини кашф этган япониялик олим Масару Эмото, қўшилиб оқадиган икки денгиз суви бирбирига аралашиб кетмаслигини исботланган уммоншунос Жак Ив Кусто ва бошқа кўплаб олимлар худди телескоп орқали ёруғлик тезлиги билан триллион йиллар нарини кўрган Паскаль каби “Ё Аллоҳ, нақадар улуғ Зотсан...” деб иймон билан

шарафланмоқдалар, ҳидоятга сазовор бўлмоқдалар.

Табиий савол туғилади: “Куръонда азалий ва абадий илмлар бор экан, нима учун сўнгги кашфиётлар: самолёт, компьютер, интернет ва ҳоказолар ҳақида зикр этилмаган?”

Куръони каримда мазкур нарсаларнинг номи аниқ айтилмаган бўлса-да, улар ташбех ҳолатида ёки қиёсий зикр қилинган. Булар албатта келажақда кашф этилади.

Эътибордан четда қолдирмаслик керак, Куръон нозил бўлган даврда инсонлар самолёт, компьютер ва бошқа нарсаларни хаёлига ҳам келтиролмасдилар. Агар мазкур нарсалар Куръонда зикр қилинганда эди, жоҳил кишилар ундан юз ўгирадилар.

Узокқа бормайлик, Абдулла Қодирий “Фирвонлик маллавой” ҳикоясида ота-боболаримиз Фарғонага темир йўл ётқизилгач, “фалон куни поезд келармиш” дейилганида: “У узоқ йўл босиб чарчаб ва чанқаб келади, шунинг учун унга сув ва беда бериш керак”, деб дошқозонларда сув ва ўтларни темир йўл ёнига келтириб қўйишганини ёзади.

Кўриниб турибдики, Куръон илохий китоб ва унда ҳар бир нарсанинг хабари берилган. Лекин бу хабарларни инсонлар замонлар ўтиши билан бирма-бир англайдилар.

Куръондаги илмий ҳақиқатлар қанчалик кўп эканини кўп ўқиганимиздагина биламиз.

Бундан кейин ҳам бир қанча кашфиётлар айнан мана шу муқаддас Китоб орқали юзага чиқади ва айнан Куръони карим туфайли бир неча олимлар, уларнинг ихтиrolарини, кашфиётларини ўқиб, кўриб, юз минглаб, миллионлаб кишилар мусулмонлар сафини кенгайтиради, иншоаллоҳ.

“Таъвилоту аҳлис сунна”,  
“Баҳрул улум” асосида

Толибжон НИЗОМ тайёрлади.

## Ким мулойимликдан маҳрум бўлса...

Шириңсўз, мулойим, беозор ва очиккўнгил одам эъзоз ва қадрга лойиқ. Ислом динимиз инсонларни шундай олийжаноб хислатларга чақиради.

Ота-боболаримиз фарзандларини бир-бирларига хушмуомала, меҳр-муҳаббатли бўлишга ундаидилар. Шу йўсинда тарбия олган ака-ука, опа-сингиллар орадан йиллар ўтса ҳам, ўзаро хурмат ва оқибатни унутмайдилар.

Бақара сураси 235-оятида: “**Билиб қўйингизки, албатта, Аллоҳ кечиrimли ва ҳалимдир**”, дея марҳамат қилинади.

Кечиримлилик, ҳалимлик Аллоҳ таолога хос сифатлардан. Демак, биз — оқиз бандалар ҳеч қачон кўнгилда гина сақламаслигимиз, дағаллик, қўполлик қилмаслигимиз керак. Агар ким дилозор бўлса, у кўп яхшиликлардан мосуво бўлади.

Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Эй Ойша, албатта, Аллоҳ мулойимдир. У зот мулойимликни яхши кўрадир ва мулойимлик учун қўполликка ҳамда ундан бошқага бўрмаган нарсани берадир**”, деганлар (Тўртовлари ривоят қилишган).

Ҳазрат Алишер Навоий ўз ҳикматларида бундай ёзди: “**Кимки кўнгилни қаттиқ сўз билан жароҳатлар экан, унга аччиқ тил заҳарли найзадек санчилади. ...Агар бир кўнгилда тил найзасининг жароҳати бордир, фақат яхши сўз ва ширин тил унга малҳам ва роҳатдир**”.

Мулойимлик – зийнат. Кимки унга эга бўлса, кўрқланади, зийнатланади. Бундай киши кўп яхшиликларга мушарраф бўлади. Аксинча, қўполлик қилса, шунга яраша жавобини олади.

Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Ким мулойимликдан маҳрум бўлса, яхшиликдан маҳрум бўлибди**”, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Бугун глобал тармоқдан ёшу кекса кенг фойдаланяпти. Аммо баъзи кимсалар бирор воқеага фикр билдиришда қўполлик қилиб одамларнинг кайфиятини туширади. Демак, ижтимоий тармоққа кирган киши, аввало, ўз маданиятини сақлаши лозим.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом қиёмат куни энг савоби кўп амал ҳусни хулқ эканини айтганлар: “**Қиёмат кунида мўминнинг мезонида ҳусни хулқданда оғирроқ нарса бўлmas. Албатта, Аллоҳ қўпол ҳамда фаҳи сўзларни сўзловчи кимсани ёмон кўради**” (Имом Термизий ривояти).

Дилмурод СОДИҚОВ

2

Ёмонлик, қотиллик, фасод ва адоватга сабаб бўладиган фитна бошқа маънода келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни огоҳлантирган кўриниши айни шу қисмидир. Ҳофиз ибн Ҳажар раҳматуллоҳи алайҳ бу ҳақда қўйидагиларни айтган: «“Фитна” сўзи қайси маънода келаётгани ишора ва гапнинг уловидан билинади».



## ФИТНА ҚОТИЛЛИКДАН ЁМОНДИР!

Катта гуноҳлар ҳаммаси “кабира” деб аталса-да, даражада бир-биридан фарқ қиласди. Келтириб чиқарадиган зарарига қараб улар ажратилади.

Фитна энг катта ва энг оғир гуноҳлар сирасига киради. Нима учун бундай?

Саволнинг жавоби қўйидагича: масалан, қотиллик оғир гуноҳлигини яхши биламиз. Лекин фитна ундан-да оғирроқ. Қотиллик бир киши бошқа кишининг жонига қасд қилиши билан амалга ошади. Фитна эса жамият ва ундаги шахсларнинг жонларига қасд қилиш демакдир. Қотиллиқда бир кишининг ҳаётига зомин бўлинса, фитна сабабидан бутун жамият ҳаётида нотинчлик рўй беради. Шунинг учун ҳам фитна қотиллиқдан ёмонроқ ва ашаддийроқ дейилган.

“...Фитна қотиллиқдан ҳам ёмондир...” (Бақара сураси, 191-оят).

“...Фитна қотиллиқдан ҳам оғир гуноҳдир...” (Бақара сураси, 217-оят).

Муфассирлар айтади: “Бу оятлар гарчи бошқалар ҳақида нозил қилинган бўлса-да, барча мусулмонларга тегишли бўлаверади. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фитнадан огоҳлантирганлар”.

## ФИТНАЧИ ХИЗМАТКОР (Ривоят)

Бир вақтлар савдо билан шуғуллана-диган тижоратчи киши бўларди. У одамлар орасида ўзига яраша обрў-эътибор қозониб, тўқ-фаровон ҳаёт кечираарди. Бир куни уй ишлари учун хизматкор қул сотиб олмоқчи бўлиб бозорга боради. Йўлда кетаркан, сотиб оладиган хизматкор ёш ва бақувват бўлса яхши бўларди, деган фикр хаёлдан

ўтди. Қул бозорини айланаркан, бирдан ўйлаганидек ёш ва алпқомат йигитга кўзи тушди. Унинг олдига бориб, яна бир карра хизматкорга назар ташлаб, эгасидан нархини сўради. Эгаси арзимаган пулни айтди. Савдогар ҳайрон бўлиб: “Нима учун унинг нархи бунча арzon?” деб сўради. “Унинг нархни туширадиган жиддий айби бор”, деди сотувчи. Савдогар қандай айби борлигига қизиқди. Эгаси:

“Мол сотсанг, айбини айт, деганларидек, унинг фитна ва гап ташийдиган одати бор”, деди. Харидор бу жиддий айбга унчалик эътибор бермай, сотиб олишга қарор қиласди. Ичиди бу айбнинг ишга алоқаси йўқ, хизмат қиласа бўлди-да, менга бошқа нарса керак эмас, деб ўйлади. Тожир мана шу вақт катта балони сотиб олаётганини билмасди. Қулни сотиб олди ва уйига олиб келди. Бир неча юмушларни буюриб, унга дарҳол ишга киришишни тайинлади. Қулни кўрган завжаси ўзида йўқ курсанд бўлиб кетди. Қандай ҳам ажойиб ҳадя! Аёлга ҳам энди енгиллик бўладиган бўлди. Чунки хизматкор уй ишларини бажариб, унинг оғирини енгил қиласди. Кунлар ўта бошлади. Қулга ҳам яхши бўлди, юмушлар ҳам унчалик кўп эмас. Эгрини гўр ўнглайди, деганларидек, хизматкор эски одатини бошлади. Кунларнинг бирида у хожанинг аёли олдига бориб, уни гапга тутиб, кўнглига ғулғула солди. Унга қараб, хожаси аёлни ёқтирамай қолгани, кўнгли бошқа аёлда эканини айтиб қолди. Гапни бўрттириб, ёлғонларни тўқиб ташлади. Бечора содда аёл унинг гапларига лақقا ишонди ва фитначининг тузоғига илинди. Хожаси ҳақида эшитган гаплар аёл қалбida аланга ёқди. Аввалига эри ҳақида айтилаётган гапларга ишонмади. Қул эса гапини тасдиқлаш учун қасам ичди. Ноқулай ҳолатга тушиб қолган ожиза нима қиласини билмай, ҳайрон бўлиб қолди. Наҳотки, меҳр қўйган жуфти ҳалоли шундай қилган бўлса? Бу қандай содир бўлди? Аёл ичини турли ёмон хаёллар емирарди. Пайтдан фойдаланиб қолиш ниятида қул гап бошлади: “Бунинг бир чораси бор. Агар хоҳласангиз, хожамни сизга бир умрга

ипсиз боғлаб қўядиган бир йўлни ўргатаман”, деди. Аёл розилик билдири. Нима бўлса ҳам, эри билан аввалгидек фаровон яшасам бўлди, деб ўйлади. Кул бу иш учун хожасининг учтўрт дона соқоли кераклигини айтди. Аёлга хожаси тунда ухлаб ётганда бу ишни хамирдан қил суғургандек, осонгина ҳал этиш имкони борлигини уқтириди.

Маккор ва илон ёғини ялаган қул хожаси олдига бориб, унга ҳам ёлғондан тузоқ қўйди. У хожасидан миннатдор эканини изҳор этиб, эвазига ҳеч нарса қилмаганини айтиб, узр сўради. Бироз сукут қилгач, бир муҳим гапи борлигию, аммо уни гапиришга ботина олмаётганини айтди. Хожа нима экан деб қизиқди. Қул гап унинг аёли ҳақида эканини билдири. Хожа аёлига нима қилганини тезроқ айтишини сўради. Маккор хизматкор аёлни қандай фитнага гирифтор қилган бўлса, хожасини ҳам шундай макр-ҳийла билан аврамоқчи бўлди. Аёли бошқани ёқтириб қолгани учун ундан қутулиш пайида юрганини айтди. Аввалига эр ҳам унинг гапларига ишонмади. Қул гапини ишонтириш учун яна қасам ичди.

Ишонмаса, бир синаб кўришини айтди. Бугун ўша иш содир бўлади. Хожа ўзини ухлаганга солиб олса, ҳақиқатни ўз кўзлари билан кўради. Ўша куни тунда хожа ўзини ухлаганга солиб ётаркан, хаёлида: наҳотки, неча йиллардан бери бир ёстиққа бош қўйган инсоним – завжай ҳалолим менга хиёнат қилса-я, деб ўйга чўмди. Шу кеча ой ҳам тўлин бўлиб, уйни кундуз каби ёритиб турарди. Бир вақт кўзини очса, аёли қўлида тиф билан унинг бўйни томон яқинлашарди. “Ҳақиқат”ни ўз кўзлари билан кўрган хожа ғазабланиб, аёл қўлидаги тифни олиб, уни ўлдирди. Бунга зимдан гувоҳ бўлиб турган қул аёлнинг қариндошларига бориб, хожаси ноҳақдан аёлининг жонига қасд қилганини айтди. Аёлнинг қариндошларига ҳам ёлғон гапларни гапирди. Марҳуманинг қариндошлари келиб, хожани ўлдиришди. Бу ҳолдан хабар топган эр томон қасос олиш мақсадида аёлнинг қариндошларини ўлдирдилар. Шу алфозда бир нобакорнинг фитнасидан бошланган иш икки қишлоқ аҳли ўртасида катта низони келтириб чиқарди. Яна жуда кўп бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилди.

(Давоми келгуси сонда.)



Уйимга телевизор кирганидан бери китоб ўқиши унутдим...

Автомашина олганимдан кейин яёв юришни унутдим...

Мобил телефон ишлатганимдан бери қоғозда хат ёзмай қўйдим...

Компьютер олганимдан сўнг сўзларни талаффуз қилишни унугаётдим...

Пластик карточка тутаётганимдан бери пулнинг қадрини унутдим...

Сунъий атири (дезодарант)нинг хиди туфайли атиргулнинг бўйини унутдим...

Ярим тайёр егуликлар чиққанидан бери овқат қилишни эсдан чиқардим...

Ижтимоий тармоқлардан фойдаланганимдан бери яқинларим ва дўстларимни зиёрат қилишни унутдим...

\* \* \*

Ҳақиқат шуки, сўнгги русумдаги телефонни сотиб олган тақдирингизда ҳам унинг 70 фоиздан ортиқ функциясидан фойдаланмаслигингиз аниқ.

Қимматбаҳо автомобиль сотиб олсангиз ҳам, барча қуайликлари ва 70 дан ортиқ тезлигидан деярли фойдаланмайсиз.

Кўп қаватли уй ёки виллангизнинг ҳамма хоналаридан доимо фойдаланмаслигингизни ўзингиз ҳам биласиз.

Ҳаётингиз давомида тўплаган молмұлкингизни 70 фоиздан ортиғи бошқа одамларга қолади, насиб этса, улар фойдаланишар ёки... Шундай экан, қолган қисми билан бўлса ҳам, кўп хайрли, савобли амаллар қилиб, охиратингиз учун захири йиғиб олишингиз лозим.

**Ҳомиджон домла ИШМАТБЕКОВ,**  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
раисининг биринчи ўринбосари

# Хидоятга қайтган

Хижратнинг тўққизинчи йили.

Мадинаи мунавварага Бани Асаддан Тулайҳа ибн Хувайлид бошчилигида бир гуруҳ вакиллар келишди. Масжиди Набавийга етиб келишгач, улардан бир хатиб Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳузурларида: “Ё Расулуллоҳ, бизлар Аллоҳнинг шериги йўқ ва сиз Унинг бандаси ва Расули эканингизга гувоҳлик берамиз. Албатта, сизни ҳидоят ва ҳақ дин билан юборди. Сизнинг ҳузурингизга ўз ихтиёrimiz билан келдик. Бизга бирон кишини жўнатмадингиз. Бизнинг исломимизни қабул қилинг, ё Расулуллоҳ”, деди. Набий алайҳиссалом улар билан жуда ҳурмат-эҳтиром илиа қўришиб, иззатларини жойига қўйдилар.

Лекин Тулайҳа ибн Хувайлид Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ишларига на-зар солиб, ҳайрон бўлди ва ҳасади келди. Шайтон уни аста-секин йўлдан оздирди ва унга деди: “Эй Тулайҳа, сенинг олдингда Мұҳаммад ким бўлибди?! У сенек сўзга уста одам эмас. Сен ақлли шоир ва адаб бўлсанг. Сен арабларнинг шижаот ва куч-қувватда энг зўри бўлсанг. Ахир вақти келса, одамлар сени минг отлиқ деб ҳисоблайдилар. У сенек қудратли киши эмас. Сен Бани асадликсан. Бани Асад уруш оловини ёқувчилардир. Жанг майдонларида уларнинг ўз ўрни бор”.

Гуруҳ аъзолари тарқалгач, Тулайҳа Бани асадликларга ўзини Аллоҳ ҳузуридан юборилган набий деб эълон қилди. Қабиладошлари унга ишониб, эргашдилар.

Бундан хабар топган Расулуллоҳ алайҳиссалом Зирор ибн Азвар бошчилиги-даги қўшинни Тулайҳа ва унинг қавмини ҳидоятга қайтариш учун юбордилар. Бу қўшин Бани Асад ва тарафдорлари билан мардонавор жанг қилди. Зирор Тулайҳа билан дуч келиб, унга қилич солди, аммо қилич мўлжалга тегмади. Тулайҳа буни ғанимат билиб қочиб қолди. Жангдан сўнг қавмдошларига: “Аллоҳ мени сақлади ва ҳимоя қилди, кескир қиличлар ҳам баданимга зиён қилмайди”, деб гап тарқатди.

Шунда ундан юз ўгириб кетганлар яна олдига тўплана бошлади. Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг вафотларидан сўнг унинг тарафдорлари янада кўпайди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу халифа бўлди. Ўн қўмондондан ҳар бирига ўн бир байроқни боғлади. Уларни муртадлар билан жанг қилишга жўнатди. Тулайҳа ибн Хувайлид билан қавми Холид ибн Валид розияллоҳу анҳунинг чекига тушди. “Аллоҳнинг қиличи” деган лақабни олган Холид Бани Асад юртига йўл олди. У жанг олдидан довюрак икки жангчини душман томонга айғоқчиликка юборди. Буни пайқаб қолган Тулайҳа иккисини қўлга тушириб, қатл этди. Бундан хабар топган мусулмонлар қаттиқ хафа бўлишди. Қалбларида қасос ўти аланга олди.

\* \* \*

Икки қўшин Нажд еридаги “Бузоҳа” деган қудук олдида тўқнаш келди. Қаттиқ жанг бўлиб, аввалида икки қўшин кучи тенглашди. Бироқ охирда мусулмонлар Бани Асад устидан ғолиб келди. Тулайҳа қочиб, Шом диёридаги Фасосинадан паноҳ топди. Кўп ўтмай тавба қилиб, тўғри йўлни топди.

У ўз қилмишидан афсусланиб, надомат бармогини тишлаб, дер эди: “Онанг сендан айрилгур, эй Тулайҳа, қандаям даҳшат, Зирор ибн Азварнинг қиличи бошингни олганида борми, диндан қайтган, Раббингга ширк келтирган ҳолингда ўлиб кетган бўлардинг, борадиган жойинг дўзах бўларди. Онанг сендан айрилгур, эй Тулайҳа, вақтни бой бермай, Расулуллоҳнинг халифаси олдига муслим ва таслим бўлган ҳолда бормас экансан, ўзингга хоҳлаган ишни қилгин. Бу сенга қиёмат куни жаҳаннамга киритадиган азобнинг бир лаҳзасидан енгилроқдир. Эй Тулайҳа, Аллоҳ билан аҳдлаш. Агар У Мадинага етиб боргунингча Зирор ибн Азварнинг қиличидан нажот топишингни тақдир қилса...”

Шундай деб у қудук олдига тушди ва ундан сув олиб, ғусл қилди. “Аллоҳдан

# ЖАНГЧИ



**ўзга илох йўқ ва Мұхаммад Унинг бандаси ва Расули** деб шаҳодат калимасини келтирди. Тулайҳа ибн Хувайлид Мадина мунавварага етиб борди. Амирүл мўминин Умар ибн Хаттобнинг хузурига исломини эълон қилиш учун кирди. Форук унга: “Шўринг қурғур! Икки солиҳ киши – Уккоша билан Собитни қатл қилган сен эмасми? Аллоҳга қасамки, ҳеч қачон сени деб қалбим шодланмайди”, деди. Тулайҳа деди: “Эй амирал мўминин, у иккиси менинг хузуримда шаҳодат топиш билан икром қилинди. Мен эса, иккиси боис бадбахтга айландим. Бу қилмишим учун буюк Аллоҳга истиғфор айтаман ва Унга тавба қиласман”. Ҳазрат Умар уни кечирди ва у исломини қабул қилди.

\* \* \*

Тулайҳа ибн Хувайлид мусулмонлар билан Рум мамлакати ғазоти учун денгизга чиқди. Бир пайт душман кемаси кўринди. Очиқ денгизда уларнинг изларидан қувишга тушдилар. Шунда Тулайҳа: “Яқинларига борайлик”, деди. “Эй Тулайҳа, бизнинг кучимиз етмайди”, дейишиди. Тулайҳа: “Аллоҳга қасамки, ё кемамизни кемалари яқинига олиб борасиз, ё қиличимдан насибангизни оласиз”, де-

ди. Унинг важоҳатини кўриб итоат этишдан бошқа иложлари қолмади. Хувайлид кемадагиларга: “Мени елкангизда кўтариб, Рум кемаси устига итқитинглар. Иншоаллоҳ, сизларни хурсанд қиласиган ишни кўрсатаман”, деди. Айтганидек уни кўтариб душман кемасига улоқтиришиди. Тулайҳа душман кемасига худди чақмоқ чаққандек қулаб тушди. У жуда чапдастлик билан ўнг ва чап томондан қиличини сермаганида душман кемасидагилар эсанкираб саросимага тушиб қолишиди. Унинг зарбаси остида қанчалари тутдек тўкилди. Кўп ўтмай, душман таслим бўлди.

\* \* \*

Қодисия кечасида Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу Тулайҳа ибн Хувайлидни беш кишига бош қилиб, форсларнинг лашкаргоҳига вазиятни билиб келиш учун жўнатди. Улар душман қароргоҳига яқинлашиб борганида қўшин сони ва қурол-аслаҳаларини кўриб, қалбларига қўркув оралади. Аммо Тулайҳанинг бир ўзи қўрқмасдан, ўз режасини амалга оширишга кетди. У шу кеча лашкаргоҳнинг бир чеккасида тунади. Тун чекингач, изига қайтишни хоҳламади. Душманнинг каттароқ лашкарбошисига қасд қилди. Қараса, туёғидан ўт чақнаган арғумоқ турибди. У қиличини қинидан чиқариб, арғумоқ боғлаб қўйилган ипни кесиб, устига ирғиб минди ва чодирлар орасида чоптира бошлади. Шунда душман отлиқларидан бири уни таъқиб этиб, етиб олгач, унга узун найзасини санчиш учун тӯғрилаганда Тулайҳа илдамлик билан қиличини бир сермаб, уни ер тишлатди. Улар ортидан етиб келган яна бир форс отлиғи Тулайҳага ҳамла қилди. Бунисини ҳам олдинги шеригини қандай қилган бўлса, шундай қилиб ерга қулатди. Бу орада душманнинг учинчи аскари Тулайҳага ташланди. Бирок у ҳам кўп ўтмай таслим бўлди. Тулайҳа икки форсийни аср олиб, мусулмонлар лашкаргоҳига етиб келди. Буни кўрган мусулмонлар таҳлил ва такбир айтдилар.

Манбалар асосида  
Бобомурод ЭРАЛИ  
тайёрлади.

# Намунали имом қандай

Ҳақиқий имом қандай бўлиши керак? Бугун юртимизда масжидлар, имом-хатиблар етарлими? Диний соҳа вакиллари олдида турган муҳим вазифалар нималардан иборат? Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари **Жалолиддин домла ҲАМРОҚУЛОВ** билан сұхбатлашидик.



**– Ассалому алайкум, чекка туман ва қишлоқларда масжидлар, малакали имом-хатиблар етишимаслиги бор гап. Афсус, бу жойларда бидъат-хурофотлар, бироннинг ҳақидан қўрқмаслик, ичкиликбозлик каби иллатлар кўп учрайди. Бу муаммоларни ҳал этишда имом-домлаларнинг амри маъруфлари жуда зарур. Шу ҳақда фикр-мулоҳазаларингизни билдирансангиз.**

– Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ. Бугун диний идора томонидан малакали имом-хатиблар тайёрлаш борасида кўп ишлар қилингани. Аммо чекка ҳудудларда имомлар етишмайди. Бу масалани ҳал этиш мақсадида диний таълим муассасаларида мақсадли қабуллар жорий этилди. Бунда имом-хатиблар етишмаётган ҳудудлар вилоят, туман кесимида ўрганиб чиқилади ва масжидга яқин манзилда истиқомат қилувчи, диний соҳага иштиёқманд уч нафар абитуриент мақсадли қабулга тавсия этилади. Уларнинг қай бири имтиҳонлардан юқори балл тўпласа, ўқишга қабул қилинади. 2022–2023 ўқув йилида ана шундай қабулга

75 та квота ажратилди. Шу билан бирга бундай ҳудудларга малакали имом-хатибларни жалб қилиш, улар учун хизмат уйларини ташкил этиш масаласи ҳам кўриб чиқиляпти. Бу лойихамиз тез кунларда ишга тушади ва ўз самарасини беради, иншоаллоҳ.

**– Масжид қуриши ишларида саҳоватли ҳомийлар кўплаб топилади. Албатта, бу яхши. Ҳомийлик маблағлари малакали имом-хатибларни, юқорида қайд этганимиздек чекка диний маърифатга эҳтиёж бор ҳудудларда фаолият юритишига йўналтирилса, аҳолининг диний-маърифий билими янада ошармиди?!**

– Бу тажрибамизда бор. Диний таълим йўналишида қўлланилган услуб. Ҳозир балки масжидлар тизимида қўлласа бўлар. Буни кенгашиб, йўл-йўригини ишлаб чиқиш керак.

**– Бугун жума мавъизаларида кундалик ҳаётимиз учун зарур бўлган масжид одблари, намоз руқнлари, ақида, мазҳаб, дуо қилиши каби муҳим масалалар кам гапирилаётгандек. Имом-хатибларимиз тезислардан ташқари жамоатнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, жума кунидан бошқа вақтларда ҳам мавъизалар, сұхбатлар қилса яхши бўлади. Шундай эмасми?**

– Халқимизнинг маърифатга қизиқиши тобора ортиб боряпти. Шу боис улар билан кўпроқ кундалик сұхбатлар ташкил этиш муҳим. Бу борада жума мавъизалари кенг қамровли тайёрланаётганини алоҳида қайд этиш даркор. Имомлар мазкур тезисни ўқиб берсалар ҳам, халқимиз анча манфаат олади. Бироқ имомларимиз унинг мазмун-моҳиятини жамоатга ўз тилида кенгроқ тушунтириши зарур. Шундагина кўзланган мақсадга эришилади. Қолаверса, муфтий ҳазрат бошчилигига тажрибали

# бўлиши керак?

имом-хатиб ва уламоларимизнинг республикамиз бўйлаб масжидларда диний-маърифий сұхбатлари ташкил этиляпти. Бу ҳам халқимизнинг диний билими юксалишида муҳим аҳамият касб этяпти.

Шунингдек, жорий йил бошидан барча имомларга беш маҳал намознинг биридан сўнг жамоатга 15 дақиқа мавъиза қилиш вазифаси қўйилди. Буни имомларимиз айни кунда қай тарзда адо этяпти, бу уларнинг виждонига ҳавола.

**– Имом-хатиблар она тили ва адабиётни, айниқса, мумтоз адабиётларимиз дурдонларини яхши билишлари керак. Бугун яхшигина нотик, лекин тарих ва адабиётдан билими саёз ёки тил меъёларини яхши билмайдиган имомларимиз ўз фаолиятида ижобий натижаларга эришиши қийин. Сизнингча, намунали имом қандай бўлиши керак?**

– Албатта, бу жуда оғриқли масала. “Имом” сўзи араб тилида **“Имамуна аманана”**, яъни **“олдимиздаги бошлиғимиз”** деган маънони англатади. Ҳар бир имом бу сўзга мос, ҳар жиҳатдан пешқадам, барчага намуна бўлиши қийин. Айниқса, бугунги ахборот замонида бу касб янада масъулиятли бўлиб қолди. Чунки халқимизнинг диний эҳтиёжлари кун сайн ортиб, савияси юксалиб боряпти. Улар билан тенгма-тенг мулоқот қилиш, ўз ортидан эргаштириш учун албатта етарлича билим ва малака керак. Бунинг учун имом замон билан ҳамнафас бўлиб, ўзининг касбий маҳоратини ошириб бориши, сўнгги фатволардан хабардор бўлиши, кўпроқ диний-маърифий, бадиий ва турли адабиётлар мутолаа қилиши даркор. Имомнинг илмий салоҳияти, нотиқлиги юқори бўлса, қавмнинг ҳам ҳурмати, меҳр-муҳаббати шунга яраша бўлади.

Намунали имом қандай бўлиш керак, деган саволга эса доим қийналиб жавоб берамиз. Имомлик аслида масъулият ва ҳар жиҳатдан намуна бўлиш деганидир. Энг асосийси, имом меҳробнинг эгасидир. Бир сўз билан айтганда, намунали имом

беш вақт намозда масжидда қоим бўлган кишидир.

**– Бугун аҳоли ўртасида имом-хатибларимиз ҳақида нотўғри фикрларга бориб, турли таъна тошларини отаётганлар ҳам учраб туради. Бундай фикрлар пайдо бўлмаслиги учун нималар қилиши керак?**

– Агар сутга қил тушса, дарров кўзга ташланади. Имомлик ҳам шундай: биргина доғ барчага намоён бўлади. Шарафли касбни оқлаш учун меҳробнинг масъулиятини ҳис қилиши керак. Чунки имомлик Расулуллоҳдан мерос. Ҳар бир имом доим шуни ёдда тутиб, фаолият юритиши лозим. “Агар Расулуллоҳ ҳаёт бўлганларида, у кишининг атрофида қандай жамланган бўлар эдик?”, “У зот имом бўлиб турса, ўзимизни қандай тутардик?” Мана шу саволларни ҳар бир имом ўзига бериши керак.

Имомлар – Расулуллоҳнинг мерос-хўрлари, дин ходими. Уларнинг ҳурматини жойига қўйиш – қавмнинг вазифаси. Имомда бирор нуқсон ёки камчилик кўринса, қавм уни ислоҳ қиласин. Орқасидан гапириб, ғийбат қилиб, гуноҳкор бўлмасин. Улуғларимиз имомларни ғийбат қилиш заҳарли гўшт ейиш билан баробар деганлар.

**– Ўттиз ийлдан буён талабаларга дарс бериб, кўплаб ёшларга устозлик қилгансиз. Бугунги ёшлар билан ишлашида нималарга аҳамият берииш лозим? Диний-маърифий соҳани танламоқчи бўлган ўсмир ёшларга қандай тавсияларингиз бор?**

– Бугун ёшлар билан ишлаш – мураккаб жараён. Ёшларимиз илм олиши учун кенг имкониятлар борлигини ҳам алоҳида қайд этиш керак. Ёшларга эса доимо китоб билан ошно бўлишини тавсия қиласиз. Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг бир неча ўринларида бежиз: “Ушбу Китобда шак-шубҳа йўқ, у тақвадорлар учун ҳидоятдир” (*Бақара сураси, 2-оят*), дея марҳамат қилмаган. Чунки мутолаа инсонларга тўғри йўлни кўрсатадиган маёқ. Арабларда: “Китоб ўқисанг, албатта фойда оласан”, деган гап ҳам айни шу мақсадда айтилган.

Ёшларимиз телефону ижтимоий тармоқларга берилмасдан, кўпроқ китоб ўқисалар, катта манфаат олади.

11

Шу билан бирга, ёшларимиз устоз ва шогирд анъанасига қатъий амал қилиши зарур эканини эслатиб ўтамиз.

Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ бундай дейди: “Бир фарзандни етук касб-хунар ёки илм эгаси бўлиши учун уч омил: болада қобилияти бўлиши, ота-онанинг эътибори, устознинг меҳри жам бўлиши лозим. Шулар жамлансагина кўзланган мақсад ҳосил бўлади.

Хорижда диний таълим оламан, Қуръон ёдлайман дея у жойдаги нотўғри оқимларга қўшилиб қолаётган баъзи ёшлар ҳам бор. Шу боис ота-оналардан илтимос қиласардикки, фарзандини хорижга диний таълим олишга юборяптими, хушёрги ни кўлдан бермасин.

**– Ҳар йили диний таълим муассасаларини кўплаб ёшлар битириб чиқади. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам ўз соҳасида фаолият юритмайди. Бунинг сабаби нимада?**

– Бундай ҳолат нафақат диний таълим, балки барча соҳаларга тегишли оғриқли масала. Бунинг турли сабаблари бор. Биринчи навбатда, моддиятга бориб тақалади. Иккинчиси эса, соҳага қизиққан, умрини шу ишга бағишлаган ёшлар кам. Бунинг яна бир сабаби абитетиентда касбга лаёқат, одоб, меҳр бўлмаса, қандай қилиб уни ўқишга қабул қилиш мумкин? Шунинг учун қабул жараёнларини қайтадан ўйлаб кўриш лозим.

Бу масала аёл-қизларимизга ҳам тегишли. Чунки ҳар йили аёл-қизларга ихтисослашган учта мадрасани кўплаб талabalар битириб чиқяпти. Лекин уларнинг кейинги фаолияти турмуш ўртоғи ёки қайнона-қайноталарининг қош-қовоғига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Улар ҳам жамиятимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшсалар, аёллар ўртасида турли бидъат-хурофотлар камайган, имли хотин-қизларимиз кўпайган бўлармиди?!

**– Бугун диний-маърифий адабиётлар масаласи турлича. Ҳар ким ўзича китоб нашр эттироқда. Бир меъёр йўқ. Бу адабиётлар мазҳабимизга мувофиқлигини, ҳеч бўлмаса, намозга оид китобларни идора ҳайъати кўриши керак эмасми?**

– Бугун бозорларимиз ранг-баранг китоблар билан тўла. Бироқ уларнинг савияси, мазҳабимизга мувофиқлиги ҳақида яхши фикр билдира олмаймиз. Гоҳида китоб дўконларимизда бугунги кунимизга тўғри келмайдиган, одамларни чалғитадиган, фитнага сабаб бўлувчи китобларга ҳам кўзимиз тушяпти. Шу боис ноширларимиздан замон талабига мос, мазҳабимизга тўғри келадиган, кишиларга ҳақиқий диний маърифат улашадиган китоблар чиқаришни тавсия этамиз. Энг асосийси, диний китоблар даромад учун эмас, балки чин маънода дин хизмати учун бўлиши лозим.

**– Бугун И мом Мотуридий таълимотини халққа етказиши ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда. Лекин олимнинг шахсияти ҳақида кўп гапириляпти. Аммо у зотнинг таълимоти ҳақида аниқ, содда, муҳтасар манбалар йўқ ҳисоби.**

– Тўғри, И мом Мотуридий таълимотини ўрганиш, ўргатиш ва тадқиқ этиш олдимизда турган муҳим вазифалардан. Бунга илк қадамлар ташланган. И мом Мотуридийнинг “Таъвилоту аҳлис сунна, “Тавхид”, “Баҳрул улум” асарлари таржима қилиниб, нашр этилмоқда. Бироқ ҳали халқимизга Мотуридий таълимотига оид содда, равон, оммабоп китобларни чоп этганимиз йўқ. Шу боис ноширларимиздан мана шундай китобларни олимлар билан ҳамкорликда ўқувчилар эътиборига ҳавола этишини тавсия қиласан. Чунки ақида, эътиқод масаласи бугун фитналар авж олган паллада ниҳоятда муҳим. Ёшларнинг ақидада адашиши эртага нафақат ота-она, балки жамиятга ҳам катта зарар бўлиши мумкин.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам 23 йиллик пайғамбарлик даврларидан 13 йилини “Лаа илаҳа иллаллоҳ” калимасини, яъни ақоид таълимотини авомга ўргатганлар.

Демак, бугун ҳар бир диний соҳа вакили – у имом бўладими ё ноширми – улар олдида турган муҳим вазифалардан бири аҳолининг эътиқодини тўғри шакллантириш, Ислом таълимотини халққа етказишдан иборат. Бу йўлда барча имом-хатибларимизга кучкуват, рушду ҳидоят сўрайман.

Бобур МУҲАММАД сұҳбатлашиди.



# Жинсимизга мос, муносиб бўлайлик

Ўтган асрнинг 60-йилларида бир журналда кўрган эдим. Суратда бир йигит ва бир қиз йўлда кетаётгани, уларнинг қайси бири йигит, қайси бири қиз эканини асло фарқлаб бўлмасди. Орадан 60 йиллар ўтиб, ўша сурат нега эсимга тушганини айтами?

Кунлар исигани сари юртимиз кўчаларида ҳам ана шундай қиёфаларга тез-тез кўзимиз тушиб қолмоқда. Афсус, бизлар бу каби ҳолатларга қўл силтаб яшайдиган бўлиб кетдик...

Парвардигор биримизни эркак, биримизни аёл қилиб яратди. Эркак бўлиш ҳам, аёл бўлиш ҳам ўз жинси учун баҳт. Эркакнинг ўзига хос бурч ва ҳуқуқлари, аёлнинг ҳам ўзига хос бурч ва ҳуқуқлари бор. Ислом дини бу борада саволларга ўрин қолдирмаган. Буларни билмай, ўрганмай туриб, эркакларнинг хотинчилиш бўлиши ва аёлларнинг эркакшодалик қилиши Аллоҳнинг амрларига итоатсизлик эмасмикин? Яъни: “Мен аёл бўлишим керак эди, мени нега эркак қилиб яратдинг? Ёки мен эркак бўлишим керак эди. Мени нима учун аёл қилиб яратдинг?” дегандай бир даъволи ҳаракат эмасми бу?..

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ривоят қиласи: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинсифат эркаклар ва эркаксифат аёлларни лаънатлаб: “Уларни уйларингиздан ҳайдаб чиқарингиз!” дедилар» (Ином Бухорий ривояти).

Эркак ва аёлларнинг қўл бериб, ҳатто қучоқлашиб кўришиши, рақсга тушишлари одатга айланниб кетган. Ҳадисда: “Рашк иймондандир”, дейилган. Наҳотки оталар, акалар, укалар, эрлар бундай бемаъниликларга панжа орасидан қарайдиган бўлиб кетишиди?

Эй ўзини мусулмон санаган биродарим! Луқма борасида динимиз ҳалол деган нарсаларнигина ейсиз-у, бундан бошқа кўрсатмаларига нега лоқайд бўласиз?.. Аҳли аёлингиз, қизингиз, ўғлингизга масъул эканингизни унутасиз?

Хулоса шуки, мусулмон киши фақат сўзда эмас, амалда, қиёфада, юриштуришда ҳам, хуллас, чинакам мўмин бўлиши керак. Бугун кўчаларда кўз зиносига сабабчи бўлаётганларга инсофу тавфиқ берсин. Аллоҳ таоло баъзи эркакларимизга йўқотган ҳамиятларини қайтарсин.

**Мусажон КАРИМҚУЛОВ,**  
**Бағдод тумани**

# “Касса” ўйнаш жоизми?

**Ислом шариатида ибодатлардан фарқли равишда молиявий муаммолар учун кўп қоида кўрсатилмаган, чунки ортиқча чекловлар иқтисоднинг ривожига тўсиқ бўлади. Шу боис шариатимиз негиз қоидаларни, пойдевор тушунчаларни баён қилиб, барча муносабатларни ўшалар асосида олиб боришни талааб қилган.**

Ана шундай асослардан бири қуйидагича: «Кишига бирор бирор томонидан келадиган молиявий кирим фақат икки йўл билангина ҳалол бўлади:

1) эваз ҳисобига берилса, яъни пул, буюм, хизмат ёки бошқа нимадир тақдим этиб, эвазига бирордан моддий кирим қилиш. Бунда ўзаро розилик бўлиши ва низо келиб чиқмаслиги керак. Шариатда эваз бўлишга яроқсиз саналган бадаллар билан кўлга киритилган мулк ҳалол бўлмайди;

2) чин кўнгилдан берилган бўлса. Ҳадя, совға, садақа, хайр-эҳсон каби кўнгилли равишда тортиқ қилинган нарсалар ҳам ҳалол ҳисобланади. Мажбуриқдан, чорасизликдан берилган эвазсиз мол ҳалол эмас. Шу боис пора, рибо, талончилик ва қароқчилик орқали топилган пул ёки мол ҳалол бўлмайди. Шариатда мажбурий ҳисобланган садақалардаги мажбурият эса шариат жиҳатидан бўлгани учун бу ерда айтилган мажбурлашга кирмайди».

Ислом шариатида молиявий муносабатлардаги асос тушунчалардан яна иккитаси қуйидагилардир:

1) бирорнинг ҳақи ҳаром. Олди-бердида ёки бошқа турдаги молиявий муносабатларда бирорнинг ҳақи бошқа одамга ўтиб қолиши жоиз эмас;

2) олди-бердида мусулмон билан мусулмоннинг ораси бузилиб, низо ва но-

розилик келтириб чиқармаслиги лозим. Молиявий муносабатлар тўлиқ шаффоф, очиқ бўлиши, ҳар бир томон ўзининг фойда-зарарини аниқ билиши керак.

Эътибор берилса, ушбу икки қоида ва тушунча ҳалолликнинг асоси ҳисобланади. Ислом уммати ўн тўрт аср давомида ушбу асосларга риоя қилиб келган ва шунинг учун мусулмон кишининг топгани ҳам, луқмаси ҳам, сарфлагани ҳам ҳалол бўлиб, ҳар бир ишида баракот бўлган, жамият аъзолари аҳил-инок, ўзаро розилик билан яшаган. Одамлар бирорнинг ҳақидан кўрқкан, бирорни норози қилишдан ти-



йилган. Шунинг учун жамиятда ўғрилик, пораҳўрлик, қаллоблик, ёлғон, хиёнат каби иллатлар деярли бўлмаган. Шу боис мусулмон савдогарларнинг ҳалоллиги, омонатдорлиги тилларда достон бўлган, саховат, қаноат каби фазилатлар умуминсоний қадриятларга айланган ва уларнинг бу хислатлари мусулмон бўлмаган халқларнинг Исломга кишиига сабаб бўлган.

Уумуман олганда, “касса” ўйнаш бизда бир нечта кўринишда бўлади.

Ойлик ёки ҳафталик йиғилишларда зиёфат харажатларини кўтариш учун пул йиғиш. Бунда кўпинча навбати келган киши меҳмондорчиликка қийналмасин деб, дастурхон харажатларини қоплаш учун

**Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Одамларга бир замон келадики, унда киши молни нимадан – ҳалолданми ё ҳаромдан олганига парво ҳам қилмайди”, дедилар (Имом Бухорий ва Имом Насоий ривояти).**

Бироз ортиғи билан пул йиғилади. Бунда ҳар гал учун маълум миқдор белгиланади. Масалан, киши бошига 2 кг гўштнинг пули ёки 10–20 доллардан деб қиймат белгиланади ва ҳоказо. Бундай “касса” ўйнаш жоиз эмас.

Чунки кимдир зиёфатга ош, кимдир димлама қилса, кимдир чанқоқбосдига шарбат, кимдир айрон тортади. Шунингдек, мева-чевалар ҳам мавсумга қараб ҳар хил ва табиийки, турли нархда бўлади. Натижада зиёфат кимгadir арzon, кимгadir қиммат тушади. Бу бир тарафдан қарз сифатида берилган пулни зиёда қилиб олиш (ёки бунинг акси – кўпроқ бериб, камроқ олиш) бўлса, иккинчи тарафдан ҳар хиллик сабабли кимнингдир кўнглида норозилик пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда “Майли, қариндош, қадрдон одамлармиз, ошиқ-камига розимиз”, деган гап ўтмайди. Чунки бу ерда қийматнинг зиёдалиги ва кўнгил иши бор. Иккиси ҳам назоратдан ташқаридаги ҳодиса ҳисобланади.

Холис пул “касса”. Бунда маълум жамоа ўзаро кўмаклашиш ва пул жамғариш мақсадида ҳеч қандай зиёфатга ва маросимга боғламаган ҳолда ўзаро пул йиғиб, тўпланган пулни навбат билан олишади. Бизда мавжуд бўлган “касса” қилиб пул йиғишнинг фақат мана шу туригина жоиз. Чунки бунда олдинги “касса” турларидаги каби рибо ва норозиликка олиб борадиган ҳолатлар йўқ.

Ушбу пул йиғими жоиз бўлиши учун бир қанча шартларга риоя қилиш керак:

Йиғиладиган маблағ кескин қадрсизланмайдиган пул ёки тилла (пробаси ҳам аниқлаштирилиши керак) каби қийматини сақлаб тура оладиган нарсалардан йиғилиши керак. Чунки қийматини сақлаб тура олмайдиган пул бирлиги ўзаро низо ва норозиликка сабаб бўлиши мумкин. Юқорида айтилганидек, шариатда низоларга, норозиликка олиб борадиган молиявий муомалалар жоиз эмас. Аммо ўта оз миқдордаги, бошқача қилиб айтганда, иқтисодиётда “меъёрий чўкиш” деб қабул қилинган миқдордаги қадрсизланишнинг зарари йўқ. Чунки бу ҳол ўзаро низо ва норозиликка олиб бормайди.

Ушбу қоидадан келиб чиқиб, бугунги кунда минтақамиздаги давлатларга оид пул бирликларида “касса” ўйнамаган маъқул, чунки бу пулларнинг қийматсизлашуви (инфляцияси) меъёрдан ортиқ экани ҳаммамизга маълум.

Даврага пул берган одам фавқулодда зарурат сабабли берган пулларини қайтариб олиши керак бўлиб қолса, навбат олган кишилар унинг улушкини қайтариб беришлари керак, чунки бундай келишув, юқорида айтилганидек, қарз олди-бердиси ҳисобланади. Қарз берган киши эса бир одамга кўнгилли равишда яхшилик қилаётган бўлади. Шунинг учун у берган пулинни ҳар қачон сўрашга ва қайтариб олишга ҳақли ҳисобланади.

Бундай пул йиғиши шакллари аслида қарз бериш орқали қандайдир манфаат олишдир. Шу эътибордан айрим аҳли илмлар бу ишни ножоиз ҳисоблашган. Сўнгги пайтларда йўқчилик ёки қаноатсизлик боис баъзи одамлар “касса” орқали уй жиҳозлари ва бошқа зарурий ашёларни сотиб олишда ҳам очиқдан-очиқ рибога аралашиб қолишаётган.

Валлоҳу аълам!

Манбалар асосида  
Ҳасанхон Яхё АБДУЛМАЖИД  
тайёрлади.

Ассалому алайкум ва  
раҳматуллоҳи ва  
баракотуҳ.

# СҮРАГАН

ЭДИНГИЗ...



**САВОЛ:** Узрли сабабга кўра, бой ёки камбағал сотиб олган жоноворини ўз вақтида қурбонлик қила олмаса, бунинг ҳукмими наима бўлади?

**ЖАВОБ:** Саҳих қавлга кўра, қурбонлик учун жонлиқ сотиб олган, лекин бирор сабаб билан уни қурбонлик кунларида сўя олмаган бой ёки камбағал киши жонлиқни тириклай садақа қиласди (“Бадоибус саноиб”).

**САВОЛ:** Отни қурбонлик қилиши мумкиними?

**ЖАВОБ:** Йўқ, отни қурбонлик қилиш жоиз эмас. Қурбонлик фақат туя, қорамол ва кўй-эчкидан бўлади. Паррандалар ҳам қурбонликка ярамайди.

**САВОЛ:** Онам Москвада ишилайди. Агар нул жўнатишса, уларнинг номидан Тошкентда қурбонлик қилсак бўладими?

**ЖАВОБ:** Бирорнинг номидан бошقا одам қурбонлик қилиши учун, аввало, номидан қурбонлик қилинаётган одамга қурбонлик вожиб бўлган ва ўзининг буйруғи билан унинг молидан қурбонлик қилинаётган бўлиши керак. Агар онангизга қурбонлик вожиб бўлган, сизга ўзининг номидан қурбонлик қилишни буюрган бўлса, сиз у кишининг номидан қурбонлик қилишингиз мумкин. Аммо онангиздан беруҳсат у кишининг молидан қурбонлик қила олмайсиз.

**САВОЛ:** Қурбонлик учун сотиб олинган ҳайвоннага кейинчалик бошқалар шерик бўла оладими?

**ЖАВОБ:** Қурбонлик қилмоқчи бўлган кишилар сигир ёки туяга етти кишигача шерик бўла оладилар. Улар сотиб олиш вақтида шерик бўлганлари каби, бир одам сотиб олгандан кейин ҳам шерик бўлишлари мумкин. Худди шундай бир киши уйида боқиб турган ҳайвонга ҳам шериклик қилиш жоиз (“Баҳрур роиқ”).

Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Пайғамбаримиз алайҳиссалом билан сигирни етти кишиидан, туяни етти кишиидан қурбонлик қиласди” (Имом Муслим ривояти). Сигир ёки туяни шерик бўлиб сўйганлар етти ё ундан озроқ киши бўлса ҳам, улардан бирортасининг гўштдаги насибаси 1/7 (еттидан бир)дан кам бўлмаслиги керак. Акс ҳолда, қурбонлик жоиз бўлмайди (“ал-Муҳийт ал-Бурҳоний”).

**САВОЛ:** Қурбонлик қилинадиган ҳайвоннинг сути ёки хизматидан фойдаланиши жоизми?

**ЖАВОБ:** Қурбонлик учун олинган жонлиқнинг сути, жуни ва хизматидан фойдаланиш макруҳ ҳисобланади. Бу ҳақда “Фатавои ҳиндия” китобида бундай дейилган: “Қурбонлик учун сотиб олинган қўйни соғиш ёки жунидан фойдаланиш макруҳ. Чунки қурбонлик қилувчи киши Аллоҳга яқин бўлиш учун жонлиқни тайин қилди. Шундай экан, жонлиқ билан Аллоҳга яқинлик ҳосил бўлишидан олдин унинг бирор-бир бўлагидан фойдаланиш ҳалол бўлмайди”.

Бу масалада қурбонлик қилувчи кишининг бой ёки камбағаллигининг фарқи йўқ. Сабаби, “Фатавои Фиёсия”да бундай дейилган: “Жонлиқни соғиш ва жунини

олиш макрухлиги борасида бой ва камбағал бўлишнинг фарқи йўқ”.

“Зоҳирия” китобида: “Қурбонлик учун олинган жонлиқ сўйилишидан олдин мабодо сути соғилса ёки жуни олинса, улардан фойдаланилмайди, балки садақа қилинади”, дейилган. “Фатавои ҳиндия” китобида бундай дейилади: “Агар қурбонлик қилинадиган жонлиқнинг елинида сути бўлиб, соғилмаса, жонлиқقا зарар етиш хавфи бўлса, елинига совуқ сув сепилади. Агар совуқ сув сепиш билан елин бўшашиб, қисқарса яхши. Аммо елин бўшашибмаса, сути соғилади ва садақа қилинади”.

Демак, қурбонлик учун сўйиладиган ҳайвоннинг сути соғилса ёки жуни олинса, эгаси ундан фойдаланилмайди, балки барчасини садақа қиласди. Қурбонлик учун олинган ҳайвонни миниш ва ундан фойдаланиш борасида “Фатавои ҳиндия” китобида бундай дейилган: “Қурбонлик учун олинган жонлиқни миниш ва ундан фойдаланиш макрух. Мабодо ундан фойдаланиб, нуқсон етказса, етказган нуқсон микдорича маблағ садақа қилинади. Агар уни ижарага берса, ижарадан тушган даромадни садақа қиласди”.

Хулоса шуки, қурбонлик учун олинган ҳайвонни соғиш, жунидан фойдаланиш, миниш ва ижарага бериш жоиз эмас.

**САВОЛ:** Саккиз кишининг иккита қорамолга шерик бўлишлари жоизми?

**ЖАВОБ:** Йўқ, жоиз эмас. Ҳатто саккиз кишининг саккизта қорамолга шерик бўлишлари жоиз эмас. Чунки бу ҳолда ҳар бир шерикнинг ҳар бир қорамолдаги ҳиссаси еттидан бирдан оз. Лекин етти ёки камроқ кишининг бир қорамолга шерик бўлишлари жоиз бўлгани каби бирдан кўп қорамолга ҳам шерик бўлишлари ҳам жоиздир. Зоро, бу ҳолатда ҳар бир шерикнинг ҳар бир қорамолга энг камида еттидан бир ҳиссаси бордир.

**САВОЛ:** Қурбонлик ҳайвонларини электр ёки наркоз билан ҳусисизлантириб сўшижоизми?

**ЖАВОБ:** Ҳайвонни сўйищдан олдин электр токи билан уриб йиқитиш ёки ўқотиб йиқитиш ёхуд ёғоч, темир, болта каби нарсалар билан уриб йиқитиш ҳайвонга озор бериш хисобланиб, шариатимизда бундай усувлардан фойдаланиш асло мумкин

эмас. Бу ишларни қилган одамлар гуноҳкор бўладилар. Қолаверса, мана шундай усулда сўйилган ҳайвонларнинг гўшида инсон саломатлигига зарар қиласидиган бир қанча моддалар пайдо бўлишини соҳа мутахассислари аниқлаганлар.

Аммо ҳайвонни сўйищдан олдин наркоз каби баъзи бир кимёвий моддаларни бериб, ҳушидан кетказиб сўйиш жоиз. Бу ишда ҳайвонга азоб бермаслик лозим. Фақат ҳайвонни сўйищда унинг жони бўлиши ва қон отилиб чиқиши шарт.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: “*Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага яхшиликни ёзгандир. Агар сўйисангиз, сўйишни яхшилаб адo этинг! Ҳар бирингиз пичогини ўткир қилсин ва сўйиладиганни роҳатлантиурсин*” (И мом Муслим ривояти).

Шунингдек, бир ҳайвоннинг олдида иккинчисини сўйишга ҳам рухсат берилмаган.

Аксарият фиқхий китобларимизда қуидаги жумлаларни учратиш мумкин: “Ҳайвонни сўйиш жараёнидаги фойдасиз ҳар қандай қийнаш-азоб бериш макруҳdir. Масалан, жони чиқиб бўлишидан олдин бошини танасидан жудо қилиш ва терисини шилиш кабилар” (“Раддул муҳтор”).

**САВОЛ:** Қурбонлик қилгандан кейин қандайдир намоз ўқиладими?

**ЖАВОБ:** Динимизда қурбонлик қилинганидан кейин маҳсус бир намоз ўқишига кўрсатма йўқ. Лекин қурбонликдан кейин нафл намоз ўқиш жоиз вақтларда хоҳлаганча нафл ибодатлар қилиш дуруст. Фақат буни вожиб ёки суннат деб билмаслик керак.

**САВОЛ:** Қурбонлик гўшидан ёки ҳайвон терисини қассобга ши ҳақи сифатида бериши жоизми?

**ЖАВОБ:** Қурбонликнинг гўшидан ёки терисидан, ёки унга тегишли бирор-бир аъзосини қурбонликни сўйиган қассобга хизмат ҳақи сифатида бериш жоиз эмас. Чунки Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳазрат Али розияллоҳу анҳуни бундай қилишдан қайтарганлар: “*Қурбонлик учун сўйилган жонлиқдан қассобнинг ҳақини берманг*” (И мом Бухорий ривояти).

# Қақраган дунёning обиҳаёти



**Олимларнинг фазилатлари ҳақида Аллоҳ таоло марҳамат қиласи: «Аллоҳдан бандалари ичидаги фақат олимларгина кўрқарлар. Албатта, Аллоҳ азиз ва ўта мағфиратли Зотдир» (Фотир сураси, 28-оят).**

Муфассирлар мазкур оятнинг тафсирида олимларнинг бу дунёда ҳам, халқ олдида ҳам қиёмат куни Ҳақ олдида мартабалари ниҳоятда улуғ бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтишган. Бу эса Аллоҳнинг яхши кўрган бандаларига бўлган лутфу иноятидир.

Ана шундай улуғ зотлардан бири Маҳмуд Асъад Жўшон ҳазратларири. “Ҳақиқий севги”, “Рамазон ва тақво”, “Тасаввуф ва гўзаллик”, “Тасаввуфий ҳаёт”, “Зикруллоҳнинг фазилатлари”, “Ўқув ва ёзув малакаси”, “Ҳажнинг фазилатлари ва нозик жиҳатлари” каби асарларини ўзбек ўқувчилари катта иштиёқ билан мутолаа қилиб келади.

Машҳур тобеин Ҳасан Басрий ҳазратлари мазкур оят тафсирида: “Олим Аллоҳдан ғойибона қўрқкан одамдир. Аллоҳ қизиқтирган нарсага қизиқкан, Аллоҳ ёмон кўрган нарсадан қочган одамдир”, деган.

Дарҳақиқат, олимлар кимга ибодат қилишни, нима учун ибодат қилишни ва унинг самараси нима бўлишини билиб турди. Аксинча бўлганида қандай оқибатлар рўй беришини ҳам бошқалардан кўра яхшироқ тушунади. Буни олимларнинг, хусусан, Маҳмуд Асъад Жўшон ҳазратларининг асарларини ўқиб, билиб оламиз.

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Албатта, олимга осмондаги зотлар, ердаги зотлар, ҳамто сувдаги балиқлар ҳам истигфор айтади. Олимнинг обиддан фазли худди Ойнинг бошқа юлдузлардан фазлига ўхшайди. Албатта, олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларири. Албатта, пайғамбарлар динорни ҳам, дирҳамни ҳам мерос қолдирмаганлар. Албатта, улар илмни мерос қолдирганлар. Ким ўшани олса, улуғ насибани олибди”, дедилар» (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Аббос Зайд ибн Собит минган уловнинг узангисидан тутиб, етаклаб юрар, Зайд унга миниб олиши учун ўз қўлини қўйиб турар ва: “Уламоларимизга мана шундай қилишга буюрилганимиз”, дер эди.

Демак, уламоларимиз оддий кишилар эмас, пайғамбарларнинг меросхўрларири. Улар одамларни хидоятга чақиргани учун Аллоҳ таоло уларни яхши кўради. Аллоҳ яхши кўрганни эса фаришталар ва бошқа барча маҳлукотлар яхши кўради. Олимларнинг ҳақига дуо қиласи, истигфор айтади, уларга доимо яхшилик етишига тарафдор бўлади. Бу эса олим бўлиш накадар фазл эканини кўрсатади.

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг бундай деганлари ривоят қилинади: “Устозим Ҳаммоднинг хурмати учун унинг уйи томонга оёғимни узатмаганман. Ҳолбуки, унинг

уйи билан менинг уйим орасида еттина кўча бор эди. Ҳаммод вафот этганидан сўнг қачон намоз ўқисам, ҳар сафар албатта ота-онамга кўшиб, унга ҳам Аллоҳдан мағфират сўраганман. (Нафақат у) балки кимдан нимадир ўрганган бўлсам ёки кимдир менга нимадир ўргатган бўлса, албатта, ўша кишилар учун ҳам Аллоҳдан мағфират сўрайман”.

Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ: “Мен дуода аввал Абу Ҳанифанинг ҳаққига дуо қилиб, кейин ота-онамни тилга оламан”, дер эди.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳ бундай ҳикоя қиласи: “Ўттиз йилдан бери бирон-бир кечаки тумаганки, агар Шофеъийнинг ҳаққига дуо қилмай ухлаган бўлсам”.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ бундай деган: «Улар: “Олимнинг ўлими Исломдаги бўшлиқ бўлиб, кечаки тумаганки, агар Шофеъийнинг ҳаққига дуо қилмай ухлаган бўлсам”.

Олимнинг ўрнини тўлдирадиган нарса топилмайди. Илло, унинг маънавий мероси кўнгилларга шифодир, таскиндир. Зоро, Маҳмуд Асьад Жўшон ҳазратлари: “Ислом ҳар асрнинг, хусусан, шу дардманд асримизнинг шифоси, бутун моддий ва маънавий, шахсий ва ижтимоий дардларнинг давосидир, ақлларнинг озуқаси, кўнгилларнинг сафоси, қоронғи кечаларнинг нурли кундузи, қақраган дунёнинг обиҳаётидир”, деганлар.

**Салоҳиддин ТОШОНОВ,**  
Тошкент шаҳри “Яккасарой” жоме  
масжиди имом-хатиби

## ҲАЁ иЙМОНДАНИФ

Халқимиз бирор ножӯя иш ёки ҳаракатни кўрса, “Уялмайсизми?” дея дакки беради. Чунки ҳаё-ибо, уят фазилат саналиб, киши иймонининг даражасини белгилайди.

Гоҳида кўча-кўйда очиқ-сочиқ кийинган қиз-жувионларни кўриб хижолат тортасан киши. Бундан ҳам уятлиси, узокроқ сафарга кетаётганингда йўл четида тик туриб бавл қилаётган кишиларга кўзинг тушиб, таъбинг хира бўлади. Ахир йўлдан қанча хотин-қизлар, болалар ҳам ўтади-ку. Бундай ҳолатлар ҳайвонга хос эмасми?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: “Тўртта нарса жафодир – тик туриб сиймоқ, намоздан чиқмасдан пешонасини артмоқ, аzonни эшишиб муаззин шоҳидлик берганидек шоҳидлик бермаслик, мен зикр қилинсан, менга салавот айтмаслик” (Имом Байҳақий ривояти).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қазои ҳожатда кўйлакларини кўтармас эдилар, ҳатто ерга тегай деб турарди” (Имом Байҳақий ривояти). Ривоятларга қараганда, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қазои ҳожатга бораётгандарини ҳеч ким кўрмаган.

Динимиз кўрсатмаларига кўра, ноўрин жойга ўтириш ёки ҳожат чиқариш ерни ҳам озорлантиради. Инсон ҳаммомга кирганида ҳам ҳаёни сақлаши лозим, яъни изорсиз кириши жоиз эмас.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, ҳаммомга иштонсиз кирмасин”, деб амр қилганлар (Имом Термизий ривояти). Ҳар бир инсон кўзини авратдан сақламоғи керак. Кўзни авратга қарашдан сақлаш ҳам иймоннинг белгисидир.

**Расул РАҲИМОВ,**  
Деҳқонобод тумани

# Ҳазрат Билолниңг изтироби

**Билол розияллоху анху-  
нинг Набий алайхиссалом-  
га ошиқлиги шу даражада  
әдикі, Расули акрам  
соллаллоху алайхі ва  
саллам бу оламни тарк  
этгандардан сүнг у гүё ти-  
лини ютиб юборди. Мадина  
шахрига сиғмай қолди.  
Халифа ҳазрат Абу Бакр  
унга қайта-қайта аzon ай-  
тишини илтимос қылса-да,  
Билол розияллоху анху:**

– Эй Абу Бакр! Расулуллоҳ соллаллоху алайхі ва салламдан сүнг ҳеч ҳам азон айтишга тоқатим қолмаган. Илтимос, мени мажбурламанг, – деди.

Ҳазрат Абу Бакр розияллоху анху эса Расулуллоҳ соллаллоху алайхі ва саллам ҳасратига чидай олмай, ҳеч бўлмаса, у зотнинг даврида айтилган азонни эшитгиси келиб:

– Бу уммат Расулуллоҳдан айрилгани камлик қилгандай, у зотнинг муazzини Билолдан ҳам маҳрум бўлиб қолдими?.. – деб уни азон айтишга унгади.

Ноилож қолган ҳазрат Билол тонг чоги азон айтиш учун маҳзун ҳолда минора (том)га чиққан бўлсада, бўғзига тиқилган ўксиниш туфайли азон айтольмай қайтиб тушди. Ҳазрат Абу Бакр энди уни ўз холига қўйди.

Билол розияллоху анху ҳар қадамда Расулуллоҳ соллаллоху



алайхі ва салламни эслатувчи Мадина кўчаларида юра олмай қолди ва бомдод намозидан сүнг йўлга тушди. У Шомда яшаб, Расулуллоҳ соллаллоху алайхі ва салламга тезроқ етишиш ниятида жангларда қатнашар, аммо ҳар сафар ғозий бўларди. Шу тарзда йиллар ўтди.

У тушида бир неча марта Расулуллоҳ соллаллоху алайхі ва салламни кўрди. У зот ҳазрат Билолга:

– Эй Билол! Бу жафо нечун? Менинг зиёратимга борадиган вақт келмадими? – дедилар.

Ҳазрат Билол уйғониши билан туясига минди ва чўл қўйнига сингиб кетди. Бир неча кун йўл юриб, муборак ва нурли Мадина шахрига кириб келди. Дарҳол Расулуллоҳ соллаллоху алайхі ва саллам қабрларини зиёрат қилди.

– Келдим, ё Расулуллоҳ! Келдим! – деди.

Шу пайт Расулуллоҳ соллаллоху алайхі ва салламнинг набиралари ҳазрат Ҳасан ва Ҳусайн розияллоху анхумо келиб қолди. Уларни кўрган ҳазрат Билол ўрнидан туриб:

– Оҳ! Расулуллоҳнинг нуридийдалари! – дея бирбир бағрига босди.

Бобосининг ҳасратида кўзи ёшланган ҳазрат Ҳасан розияллоху анху:

– Эй Билол! Сиздан бир нарса илтимос қылсам бажарасизми? – деди.

Ҳазрат Билол розияллоху анху:

– Айт, жонимнинг жони, айт!  
– деди.

– Расулуллохнинг масжидларида айтилган аzon ҳасратидамиз. Ўша аzonни эшитишни жуда соғиндик. Айтасизми?

Ҳазрат Билол розияллоху анху:

– Сизлар учун бўлса, айтаман,  
– деди.

Пешин вақти киргандага ҳазрат Билол Масжидун Набавийда илгари аzon айтадиган жойига чиқди. Дардли, соғинчли овоз билан “Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар” дея аzon айта бошлади. Бутун Мадина ахли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни хотирлаб, соғинчдан титраб йиғлай бошлади. Тоғу тошлар бу мунгли садо аксидан ингранди...

“Ашҳаду ан лаа илаҳа иллалоҳ”... Мадина гўё чайқалди.

“Ашҳаду анна Мұхаммадар росулуллоҳ” дейилганида бутун халқ күчаларга оқиб чиққанча: “Расулуллоҳ қайтадан дунёга келдиларми?” дея бир-бирларидан сўраб, йиғлаб-сиқтаб масжид томон кела бошлашиди.

Бу ёқда ҳазрат Билол бўғзига тикилган фарёдни босиб, Мұхаммадий аzonни охирига етказишига ҳаракат қиласи эди. Бироқ бу осон кечмас, аъзои баданини бир соғинчли олов қамраб, куйдириб келарди. У ўзини тутиб туролмади. Турган жойида ийқилди...

**Усмон Нурий ТЎПБОШнинг  
“Ҳазрати Мұхаммад соллаллоҳу  
алайҳи ва саллам” китобидан**  
**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ**  
таржимаси.

أَشْهَدُ أَنَّ لِلَّهِ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ  
لَهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا أَعْبُدُهُ وَأَرْسَوْلُهُ

## Шаҳодат калимасининг фазилати

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганларини келтиради:

«Аллоҳ қиёмат куни умматимдан бир кишини ҳамманинг кўз олдида чақиради. Ҳар бирин кўриши кенглигигида бўлган тўқсон тўққиз (амал) саҳифасини очади ва унга бундай дейди: “Котиб фаришталарим сенинг амалларингни ёзишиган. Бирон жойида ноҳақлик бўлган дея эътиrozинг борми?”

Ҳалиги одам: “Эътиrozим йўқ, ё Раббим!” дейди. Аллоҳ таоло: “Бирон узринг борми?” деб яна сўрайди. У: “Узрим ҳам йўқ, ё Раббим!” дейди. Шунда Аллоҳ таоло: “Ҳузуримда сен қилган бир яхши амал бор. Сенга шу амалингнинг мукофоти берилади, ҳақсизлик қилинмайди”, дейди. Ҳалиги саҳифалар орасидан:

“Ашҳаду ан лаа илаҳа иллалоҳ ва ашҳаду анна Мұхаммадан абдуҳу ва росулуҳ” деб ёзилган саҳифа чиқарилади. Ҳалиги одамга: “Амалларинг мезонга қўйилади, тайёрлан”, дейилади. У тушкунликка тушиб: “Бунча саҳифанинг олдида бу бир қоғоз қанча юк босар эди?” дейди. Аллоҳ таоло унга бундай жавоб беради: “Сенга ҳеч қандай ҳақсизлик қилинмайди”. Саҳифалар бир паллага, у қоғоз иккинчи паллага қўйилади. Калимаи шаҳодат ёзилган ўша бир парча қоғоз оғир келади. Чунки Аллоҳнинг исмини ҳеч бир нарса боса олмайди» (Имом Термизий ривояти).

Кунда беш маҳал намоз ўқиб, 21 марта (қаъдада) ушбу муборак шаҳодат калимасини тақрорлаганлар қандай ҳам баҳтли.

**Фаҳми МАНДАШнинг  
“Фазилатли ибодатлар” китобидан**  
**БИЛОЛ таржимаси.**

**Йиғилишга боришим керак эди. Кеч қоладиганга ўшладим. Дарров такси чақира қолдим.**

Таксичи амаки одамшинаванда экан, кетгунча ҳолдан-хотирдан, сувдан-ҳаводан сұхбат құрдик. Манзилга етиб келдим. Ылчагич йигирма бир минг сүм күрсатиб турибди. Йигирма беш минг сүм узатдим. Күпинча бунақа вазиятларда ҳайдовчи майда пул қидираёттандек у ёқ-бу ёкни кавлаширади.



## Эң яхии мерос

Мижоз эса худди қайтимни кутмай машинадан тушаёттандек тутади ўзини, бир оёғи машинада, бир оёғи ерда. Аслида ҳар иккаласининг ҳам илинжи қайтимда. Бизда ҳам худди шу ҳолат юзага келди.

Хайдовчи қайтим қидирарди. Мен: “Қайтим шартмас”, дедим. Шунда у мени ҳайратта солди. “Вақтингиз борми?” деди. Бөш ирғадим. Имлаб машинаға ўтиришимни сўради. Дарҳол газни босиб, 200 метр наридаги дўкон олдига борди. Сотувчи билан гаплашиб, пулни майдалатди. Кейин мени яна манзилимга қайтариб олиб келиб, тўрт минг сүм узатди.

– Қолаверсин дедим-ку. Бу 3–4 мингга нима ҳам олардим, арзимас пул учун шунча овора бўлдингиз?

– Вақтингиз борми? – яна бояги саволни тақрорлади мени ҳайрон қолдириб. Соатга қарадим, 10–15 дақиқа бор.

– Ҳа, – жавоб бердим қизиқсиниб.

– Унда машинага ўтиринг, – деди.

Ўтирдим, 5 дақиқа гаплашдик. Шу 5 дақиқада профессорлар менга 5 соатда бера олмайдиган таълимни берди, ҳафталаб уқтира олмайдиган бир ҳақиқатни онгимга сингдирди:

– Беш ака-ука эдик. Онам оддийгина уй бекаси, отам эса кунлик иш топиб бизни боқарди. Баъзида иш бўлар, баъзида йўқ. Иш топилмаса, овқатсиз қолиб кетардик.

Бу вазиятни отамнинг келишидан, юз ифодасидан англардик. Ахволимиз ҳеч ўнгланмади...

Ҳар оқшом ерга дастурхон солиб таомланардик. Овқатдан кейин дуойи фотиҳа қилингач, бизга ҳар куни турли масалалардан тушунча берарди. Бир куни иш топа олмай келганидан кейин худди шундай сұхбатлардан бири бўлиб ўтди. Сұхбат мавзууси – ҳаётда қандай муваффақиятга эришилади? Иш тополмаса, уйга қуруқ кўл билан қайтарди, лекин болаларига муваффақиятдан дарс ўтарди, отам.

Отам иш излаб кетганидан кейин катта акамиз унинг чакмонини кийиб, бўмбўш чўнтакларини ташқарига чиқарип олиб, бизга тақлид қилиб берарди: “Ҳалол яшанг, ҳеч қачон уйингизга ҳаром луқма олиб келманг!”

Агар онам бу ҳолни кўрса, қаттиқ ғазабланарди: отангизни масхара қилманг, у киши ҳалол, меҳнаткаш одам!

Ёнгинамиздаги ҳашаматли уйда икки ака-ука яшайди. Уларнинг отаси ниҳоятда бадавлат. Отасининг кафеси бўлиб, у ерда қимор ҳам ўйналар, ичкилик ҳам сотиларди. Биз ана шу икки ака-уканинг эски кийимларини кийдик, эски ўйинчоқларини, сумка, китоб-дафтарларидан фойдаландик. Уларнинг отаси маҳалладан ўтса, беш ака-ука сакраб ўрнимиздан турагарди.

дик. Чунки бизга чой-чақа берарди. Отам уйга кириб келганида эса, ўрнимиздан ҳам қимирламасдик.

Ҳали улғайиб улгурмасимиздан отамиздан айрилиб қолдик. Олти ой ўтар-ўтмас құшни амаки ҳам оламдан ўтди.

Бой амаки болаларига ишлаб турған кафе, данғиллама ҳовли, құша-құша машина ва ер майдонларини қолдирди. Бизнинг отамиз нима қолдирди биласизми? Баққолдаги қарз дафтари ва насиҳатларини қолдирди: “Болаларим, қандай иш құлманғ, ҳалол бажаринг, ҳақингиз бўлмаган пулни олманг...”

Мана, орадан 15 йил ўтди. Қўшнимизнинг иккала ўғли ҳам қамоқда, на кафе қолди, на ер, на уй...


Биз беш ака-уканинг эса ўз уйларимиз бўлди. Ҳаммамизда биттадан машина бор, болача орттиридик, уларни ҳалол меҳнатимиз билан – такси ҳайдаб боқяпмиз.

Ўтган йили катта акамиз бизни тўплаб бундай деди: “Асл меросни раҳматли отамиз қолдирган эканлар! Ҳеч биримиз такси ҳайдашни бошлаганимиздан бери таксомет ёзмаган 1 сўмни ҳам олмадик. Ҳақимиз бўлмаган пулни рўзғоримизга киритмадик. Ҳалоллик билан кўп неъматларга эришдик”. Барчамиз отамнинг руҳига фотиха ўқиб, йиғладик.

Ҳикоядан жуда таъсирландим.

Ҳадиси шарифда айтилганидек: «Ҳеч бир ота фарзандига яхши тарбиядан кўра афзал мерос қолдиролмайди» (Имом Термизий ривояти).

Хулоса ўзингиздан...



Бир үлүт зот ўттиз ишлик тажриба орттириган тикувчиндан сўради:

– Нега ҳалияга тавбда қилимай, үноҳлардан сақланмаяпсан?

– Мон бўғизга келинча тавбда қилишия бақтим бор. Ўшанда тавбда қиласман ва қутуламан! – дедди хотиржам тикувчи.

Шунда үлүт зот яна савол берди:

– Нега ишдан буён тикувчилик қиласан?

– Ўттиз ишдан бери.

– Эни кўп нимани ўрғандини?

– Қайчи билан мато қирқинни.

У зот сўрашда давом этди:

– Монини бўғинча кеманида қўлинча бир мато ва қайчи беришиса, осонина қирқа оласанми?

Ўттиз ишлик тикувчи елкасини қисианича деди:

– Ундаи қўрқинчили бир пайтда мато қирқинни ким ҳам қодир бўларди?

Шунда у зот деди:

– Энди бир ўйла, ўттиз ишдан бери қилаётганинини ўша пайт қила олмасан, ҳеч қачон қиласа ишинини қилишия қандай ишоняпсан? Шайтония алданаётганинини анладиними?..

– ... ?

Нигора АБДУМУХТОР қизи тайёрлади.

# Етти муборак

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

## 4. Қавмнинг улуғи бўлишни истадим, уни яхшилик қилишда топдим.

Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “*Бир қавмнинг улуғи ўша қавмга хизмат қилганидир*” (Имом Дайламий ривояти).

Бир жамоанинг ўртасида обрў қозониб, улар маслаҳат сўраб хурмат қиласиган инсонга айланиш фақат ўша инсонларнинг оғирини енгиллаштириш, уларга яхшиликлар қилиш билангина амалга ошади.

Инсон табиатан яхшиликка, эҳсонга муҳтож. Яхшилик қанчадан-қанча қаттиқ қалбларни юмшатади. Зеро, яхшилик кўрган кишисига қалбан боғланади, унга хурмат кўрсатиб, бошининг тожи қиласи.

Шукр қилувчи бойлардан бўлган Усмон розияллоҳу анҳу бундай деган: “Бойликнинг салтанати шукрдир. Шукр эса кўп-кўп эҳсон қилиш демак”.

Ояти каримада эса инфоқ-эҳсонни қандай қилиш кераклиги баён этилади: “...Сиздан яна нимани эҳсон қилишлари тўғрисида сўрамоқдалар. (Ўзингиздан ортганини, деб жавоб беринг...” (Бақара сураси, 219-оят).

## 5. Мурувват қидирдим, уни тўғриликда топдим.

Ояти карималарда марҳамат қилинади: “*Бас, (эй Мухаммад!) буюрилганингиздек тўғри бўлинг!..*” (Худ сураси, 112-оят);

«Аллоҳ деди: “*Бу кун содик (мўмин) ларга содиқлиги фойда берадиган кундир...*” (Моида сураси, 119-оят).

Ҳақиқий мурувват ва мардлик ҳалолликдадир. Тўғрилик ва ростгўйлик гоҳида инсонни қийин вазиятларга солиб қўйиши мумкин. Фақат Аллоҳни таниган инсон охиратда азоб тортмаслик учун



ҳар қандай қийин вазиятга сабр қиласи. Ёлғон ва ҳийла сабаб гуноҳкор бўлиб қолишдан сақланади.

Аксарият инсонлар ёлғон сабабли ўзларини жуда кўп фалокатлардан омон қолгандек ҳис этадилар. Унутмаслик лозим, бу дунёдаги ёлғон-яшиқ, тухмату бўхтон бамисоли уни қилган инсон қўлидаги фалокат. Бу дунёда фош бўлмасада, охиратда аён бўлади.

Мўмин бандага ярашадиган гўзал ҳаёт эса Аллоҳ бизга кўрсатиб берган “сиротул мустақим”дан юриш – ҳалол яшаш, ростгўй бўлиш ва асосийси, ўзидан кейин келадиган авлодга пок виждан билан гўзал ҳаёт қолдира олишдадир.

## 6. Шараф қидирдим, уни қаноатда топдим.

Ҳадиси шарифда айтилади: “*Қаноат битмас-туганмас ҳазинадир*” (Имом Дайламий ривояти).

“*Дунёга кўнгил қўйма, Ҳақ таоло сени яхши кўради. Инсонларнинг қўлидаги нарсага қарама, ҳалқ сени яхши кўради*” (Имом Ибн Можа ривояти).

“*Мўминнинг шарафи кечалари қоим туришида, иззати эса инсонлардан беҳожат бўлишидадир*” (Имом Ҳоким ривояти).

# таълим

Баъзилар қанчадан-қанча неъматларга соҳиб бўлсалар-да, кўзлари тўймайди. Агар уларга бутун дунё берилса, “ойдан бир парча ерим бўлсайди”, деб орзу қиласди. Қаноатсиз бундай инсонлар ҳолини Ибн Аббос ва Анас ибн Молик розияллоҳу анхумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай таърифлаганлар: **“Агар одам боласининг бир водий тилласи бўлса, у икки водий тилласи бўлишини яхши кўради. Унинг оғзини тупроқдан бошқа нарса тўлдира олмайди. Аллоҳ тавба қилувчиларнинг тавбасини қабул қиласди”** (Муттафақун алайҳ).

Хуллас, инсонга шараф келтирадиган нарса – қаноат. Яъни берилган нознеъматга қаноат қилиш, бандар сифатида доимо Яратганга муҳтоҷлигини идрок этиши лозим. Чунки бандага қанча молдунё берилмасин, барчаси бу дунёда қолади, қиёматда эса ҳисоби сўралади...

## 7. Роҳат қидирдим, уни зухдда топдим.

Ояти каримада бундай дейилади: **“... Огоҳ бўлингизки, Аллоҳни зикр этиш билан қалблар ором олур (ва таскин топтур)”** (Раъд сураси, 28-оят).

Зухд бу мол-мулқдан фойдаланган ҳолда уларни қалбга “киритмаслик”дир. Яъни дунё ҳаёти ва унинг ичидаги нарсаларга маҳлиё бўлиб, қалбни дунёнинг гина идиши бўлиб қолишдан сақлашдир. Жалолиддин Румий ҳазратлари инсонни бир кемага ўхшатади: “Агар дарё кеманинг тагида бўлса, унга яхшилик воситаси бўлади ва хоҳлаган жойига элтиб қўяди. Агар тўлқинлар кема ичига киришни бошласа, унинг фалокатига сабаб бўлади”.

“Дунё аслида Аллоҳдан ғофил қолмоқдир. Сени Ҳақдан чалғитган нимаики бўлса, ўша сенинг дунёнинг бўлади”, дейилади ҳикматларда.

Мўмин бандар учун Аллоҳга яқин бўлишдан кўра севимлироқ иш йўқ. Аллоҳни таниган бандаларнинг руҳлари доимо хавф ва ражо ўртасида бўлади. Ўзларини чалғитиши учун андармон бўлган дунё матоҳлари руҳларига оромбахш эта олмайди. Қалбга сакинат олиб кирадиган ягона амал Аллоҳнинг розилигини қўлга киритишда бир восита саналган молу дунёни қалбга киритмаслик, унинг бир восита эканини англаб, бу ҳақиқатни ғоя ҳолига келтиришдир. Бунга эса, айтиб ўтилганидек, дунёдан юз ўгириш, қалбда унга жой қолдирмаслик билан эришилади.

Ҳақиқий саодат нафсоний орзу-истакларга қарши туришда.

Банда саодатни фақат нафсоний орзуларига қарши чиқибгина топиши мумкин. Инсон кўзини ва қалбини маҳлиё қилган ўткинчи завқлар дунёсида эмас, абадий ҳақиқатлар оламида яшashi керак. Абдураҳмон ибн Авф розияллоҳу анхунинг сўзлари фикримизни жуда чиройли тарзда ёритиб беради: **“Ислом нафсимизга оғир келадиган амрларни келтирди. Биз хайрларнинг энг хайрлисини нафсларимизга малол келган шу қийин амрларга бўйсуниб топдик. Масалан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга Маккадан кўчдик. Нафсимизга жуда оғир келган бу иш сабаб бизларга Аллоҳ ғалаба ва устунлик берди. Аллоҳ таоло: (Бу) Раббингиз уйингиздан Сизни ҳақ (йўл) билан чиқаргани кабидир. Мўминлардан бир гурухи эса (бу чиқиши) ёқтирамайдиганлардир. Сиз билан ҳақ тўғрисида (у) аён бўлгандан кейин баҳслашмоқдалар. (Бу) гўёки, қараб турган ҳолларида, уларни ўлим сари ҳайдалаётгандекдир”** (Анфол сураси, 5–6-оятлар), дея амр этиб таърифлагани ҳолида яна Расулуллоҳ алайҳиссалом билан Бадр ғазотида иштирок этишди. Бизга яна ғалаба ва устунлик берилди. Биз нафсимизга оғир келган амрга бош эгиб, хайрга эришдик».

**“Диёнат” журнали саҳифаларидан  
Нигора МИРЗАЕВА  
таржимаси.**

# Үғри, каззобларга берма қўлингни...

## Шукрона қилинг

Кўзларингиз кўриб турганда,  
Юрагингиз уриб турганда,  
Оёғингиз юриб турганда,  
Ҳар бир дамни ғанимат билинг,  
Яратганга шукрона қилинг!

Ишончингга кетади кириб,  
Ҳар бир дамда беради фириб,  
Доим “жиход” ҳақда гапириб,  
Ёшлиқ қилманг, эҳтиёт бўлинг,  
Умрингизни ғанимат билинг!

Сехрлайди ўртоққа ўхшаб,  
Зулматдаги чироққа ўхшаб,  
Илинтирас қармоққа ташлаб,  
Сўнг юрасиз кўзингиз ёшлаб,  
Ёшлиқ қилманг, эҳтиёт бўлинг!

Ароқ, майдан юрингиз узоқ,  
Шайтон дилга қўймасин тузоқ,  
Қўл кўтариб дуога ҳар чоқ,  
Тавба қилинг, тазарру қилинг,  
Умрингизни ғанимат билинг!

Яқинлашманг фаҳшга, зинога,  
Қарта, қимор элтар балога,  
Қилмишингиз аён Худога,  
Тавба қилинг, тазарру қилинг,  
Умрингизни ғанимат билинг!

Беш вақт намоз бўлмасин канда,  
Гофил киши бўлар шарманда,  
Қолмайин мен доим армонда,  
Деб Аллоҳга илтижо қилинг,  
Умрингизни ғанимат билинг!

Эшназар ЖУМАФУЛОВ

## Дунё

Дунёга келаркан ҳар бир чақалоқ,  
Мисоли фаришта, мўмин, бегуноҳ.  
Ювиг, тараф, ўраб матога  
Сўнгра қўюрлар тош-тарозига.

Қилган ишларимиз савоми, гуноҳ,  
Кўргувчи, билгувчи яратган Аллоҳ.  
Барисин қўюрлар тош-тарозига,  
Саралар барчани, алҳамдулиллаҳ.

Билингки, беш қўл баробар эмас,  
Ҳеч кимса ўзини ноҳақман демас.

## Истасанг

Тўғри бўл, нокаслар тутумин тутма,  
Умринг кечмоғини равон истасанг,  
Зорланиб бирордан муруват кутма,  
Элда ўрнинг бўлар ҳар он, истасанг.

Ҳар кўчага солма тўғри йўлингни,  
Ҳалол меҳнат-ла топ луқма, пулингни,  
Ўғри, каззобларга берма қўлингни,  
Ўлан тўшагингда даврон истасанг.

Қайтар дунё дерлар катта эҳтимол,  
Ота-онангнинг кўп дуосини ол,  
Хизматида тургин тилдан томиб бол,  
Қартайган чоғингда дармон истасанг.

Жигарлар ҳолидан хабар ол ҳар дам,  
Бирини биридан асло кўрма кам,  
Силаи раҳмни тутгин мустаҳкам,  
Мехр улушидан ўлпон истасанг.

Гуноҳларинг бўлса гўё тоғ қадар,  
Тавба қил ва қилгин ҳаромдан ҳазар,  
Етим бошин сила, айлагин назар,  
Ҳақдан афв отли фармон истасанг.

Рози қилай десанг буюк Ҳоқонинг,  
Беҳуда ўтказма фурсатинг-онинг,  
Ибодатни қўйма қийналсан жонинг,  
Жаннат боғларидан макон истасанг.

Йўлингдан оздирса кўнгилнинг майли,  
Чалғима, десалар замона зайли,  
Бошга бало келар шулар туфайли,  
Шайтонга йўл берма, Раҳмон истасанг.

Нурмуҳаммад НАЗАРОВ,  
Чироқчи тумани

Ёмон ҳам ўзини яхши одам дер,  
Ҳаромми, ҳалолми, тақво қилмай ер.

Бу дунё алдоқчи, ўткинчи рўё,  
Қўл кири – келади, кетади дунё.  
Кисқами, узунми, берилган умр,  
Саодатга эришур қилганлар сабр.

Бу дунёда боқий қолиб кетмаймиз,  
Бойлигимиз елкалаб олиб кетмаймиз.  
Яратган хузурига бордур қайтишилик,  
Ортимиздан қолсин фақат яхшилик.

Хотамхон БАКИРОВ,  
Норин тумани

## Тавба

Динсизлар ҳукмига амал қилғандик,  
“Аллоҳ” деганларга танбех бергандик,  
Сенинг амрларинг чала билгандик,  
Гуноҳкор бандангни кечир, Аллоҳим.

Тилда “Аллоҳ” дея олмадик ул дам,  
Дилда эслашлар ҳам жуда бўлган кам,  
Ўшандада ҳам Ўзинг бўлгансан малҳам,  
Гуноҳкор бандангни кечир, Аллоҳим.

Ҳаром-ҳаришларнинг фарқин билмадик,  
Билганимизга ҳам амал қилмадик,  
Воҳки, кеч бўлса-да, тавба йўлладик –  
Гуноҳкор бандангни кечир, Аллоҳим.

Мустақиллик бизга Сени эслатди,  
Афсус, вақтнинг кўпи бесамар кетди,  
Шукроналар бўлсин, ҳаммаси ўтди,  
Гуноҳкор бандангни кечир, Аллоҳим.

Қабул айла Рустам ибодатини,  
Хайрли қилгин унинг охиратини,  
Унга бер ўтдан озод бўлиш хатини,  
Гуноҳкор бандангни кечир, Аллоҳим.

**Рустам ХЎЖАҚУЛОВ,**  
Нуробод шаҳри

## Илтижо

Субҳидамда эртароқ турсанг хўроздан,  
Бахра олсанг азон айтган овоздан.  
Жойнамозда топиб савоб оз-оздан,  
Жаннат сари йўл топурсан намоздан.

Бу дунё синовли эрур аслида,  
Савоб изла йилнинг тўртта фаслида.  
Бу дунё лаззатига бўлма ишқибоз,  
Мұхаббат-ла интил Аллоҳ васлига.

Ё Раб, бир қулингман, исмим Раббимкул,  
Бу осий бандангга Ўзинг раҳм қил,  
Жойнамозда тиз чўкиб, кўзда ёш ила,  
Қилган тавбаларим Ўзинг қабул қил.

**Раббимкул ШОПЎЛАТОВ,**  
Учқудуқ тумани

## Журналхон эътирофи

“Ҳидоят” журнали ўқувчини яхшилиқ-ка, самимийликка ҳамда тақвога чорловчи мақолалари, ранг-баранг хабарлари билан ажralиб туради. Жозибадор-безакли саҳифалари ҳам кишини эътиборини тортади.

“Ҳидоят” журналига бир неча йилдан бўён обуна бўлиб келаман. Сўнгги пайтларда журналда чоп этилаётган мақолаларнинг сифати ошиб бормокда. Шунинг учун унинг ҳар бир сонини оила аъзоларимиз билан интиқиб кутамиз.

Камина қарийб қирқ йилдан зиёд қишлоқ хўжалиги соҳасида турли лавозимларда ишладим. Кўплаб инсонлар билан дўст, ҳамроҳ бўлдим. Улардан иш тажрибалари билан бирга, ҳалоллик, ростгўйлик каби инсоний хислатларни ҳам ўргандим.

“Ҳидоят” журнали мутолаасидан ҳам кўп манфаат топяпман. Ўттизга яқин журнал иш столимда турибди. Уларни қайта-қайта ўқищдан чарчамайман. Жамоадошларимга ҳам ўқишини тавсия қиласман.

Журналнинг 2022 йил 1-сонида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтый Нуриддин домла Холиқназаровнинг “Ибодат кўп, лекин убудият кам” сұхбати, 2022 йил 9-сонида Дилшод Муҳаммад Алининг манбалар асосида тайёрлаган “Фотиҳа сураси фазилатлари”, яна шу сонда эълон қилинган Оқиљон Нарзуллаевнинг “Мулойимлик – қалб безаги”, 2022 йил 10-сонида Обиджон Исмоиловнинг “Гуноҳларга каффорат амал” каби мақолалари кишини кенгроқ ўйлашга, умримизнинг ҳар дамини ғанимат билиб, савоб амаллар қилиб қолишга ундейди.

Журналнинг “Ҳикматлар”, “Масала”, “Сўраган эдингиз” каби рукнлари остида берилаётган мақолалар ҳар томонлама долзарбdir.

Хурматли “Ҳидоят” журнали ижодий ходимлари! Ҳалқимиз маънавий ҳаётини бойитиши, юксалтириш борасида олиб бораётган савобли ишларингизга Аллоҳ таоло мададкор бўлсин.

**Алимардон САФАРОВ,**  
Кўкдала тумани



## Улкан Қуръон нусхаси

Тайландлик ҳунармандлар мусулмон сайёхларни жалб этиш мақсадида ёғочдан Қуръони каримнинг улкан нусхасини ясадилар.

Унинг бўйи 3,4, эни 5,3 метр. Қуръони каримнинг ёғоч нусхасини кўриш учун Бруней, Малайзия, Индонезия ва Сингапурдан сайёхлар ташриф буюрмоқда, деб ёзади IslamNews Бангкок Пост нашрига таяниб.



Эндилика тайландлик ҳунармандлар ёғоч Қуръони каримни ҳимоялаш учун айвон куриш ҳаракатида.

## Берлинда энг кўп қўйилган исм

Ўтган йили Германия пойтахтида туғилган чақалоқларга “Мұхаммад” исми энг кўп қўйилгани аниқланди.

Report 24 нашрининг ёзишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайхи ва саллам исми Европанинг бошқа шаҳарлари: Норвегия пойтахти Ослода сўнгги 14 йил давомида етакчиликни сақлаб келмоқда. Лондонда эса энг машҳур ўнталикка киради.

Америка Қўшма Штатларида ҳам ўғил болаларга Мұхаммад исмини қўйиш кенг оммалашяпти.

## Истанбулнинг янги масжиди

Истанбулда Усмонли дengiz қўмондони Ҳайреддин Пошо Барбарос номи билан атalgan янги масжид очилди.

Масжиднинг умумий майдони 7000 квадрат метрни ташкил қиласди. Унда авто-

## Қўлёзмалар намойиш этилди

Қозон марказидаги Ислом маданияти музейида “Қозон Қуръони” кўргазмаси очилди. Кўргазма Қуръони каримнинг илк босма нусхаси нашр этилганининг 220 йиллигига бағишиланди.

Кўргазмада Қозон Федерал университети илмий кутубхонаси коллекциясидан ноёб буюмлар намойиш этилди. Булар қаторида, XVIII асрга тегишли Қуръони каримнинг татар мусҳафи қўлёзмалари, 1803 йилдаги Қуръони каримнинг биринчи босма нашрлари, Қозон босма Қуръонини тадқиқ этган татар диний арбобларининг қўлёзмалари, Япония (1934) ва Финляндияда (1969) татар мухожирлари томонидан нашр этилган мусҳафлар намойиш этилди.

## Ислом маркази очилди

Москва вилоятининг Волоколамск шаҳрида Ислом маркази очилди, дея хабар бермоқда “Подмосковье сегодня” сайти.

Масжид ва маданият маркази биноси етти юз квадрат метрдан ортиқ майдонга эга бўлиб, беш юздан ортиқ намозхонни сиғира олади.

Шунингдек, марказда Волоколамск тарихи ва унинг Шарқ мамлакатлари билан ҳар томонлама боғлиқлиги ҳақида ҳикоя қилувчи музей ҳам мавжуд.

тураргоҳ, китоб дўкони, болалар боғчаси, кўргазмалар зали ва шу каби хизмат кўрсатиш марказлари мавжуд. Ушбу масжид қурилиши 3 йил давом этди. Лойиҳа қиймати 38 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

# Камтарга камол

**Инсоннинг ҳаёти қай даражада сермазмун ва фаровон бўлиши эгаллаган билими билан чамбарчас боғлиқ. Шукрки, юртимизда аҳли илмлар кўп.**

Фақат камтарликлари боис уларни ҳамма ҳам танийвермайди. Шундай камсуқум, хушфеъл устозлардан бири Муҳаммад Расул домла Абдуллаевдир. Дўстимиз имом-хатиблар орасида биринчилардан фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини қўлга киритди.

Бир неча йиллар олдин марҳум устозимиз Юсуфхон домла Шокиров ва Шамсиддинхон Бобохоновлар фан доктори илмий даражасини, мустақиллик йилларида эса Раҳматулло қори Обидов тарих фанлари номзоди, доцентлик унвонини олганини биламиз.

Муҳаммад Расул домла Абдуллаев Андижон вилоятининг Марҳамат туманида, оддий оиласда туғилиб ўсган. Тошкент ислом институтида у киши билан сабоқдош бўлдим. Домла илм олишга файрат-шижоатли талаба эди.

Домла олий маъҳадни тамомлагандан сўнг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг тарих факультетини, кейинчалик Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети фалсафа факультети магистратурасини тамомлади. Ёшлиқда олган билимлари, онгу тафкурига чуқур сингтан одоб-ахлоқ қоидалари, отонасининг дуолари

– ҳаммаси унинг келажаги учун замин бўлди.

Домла аввал Абулқосим мадрасасида мударрис (1993–1996 й.й.), Ўзбекистон мусулмонлари идораси таълим бўлимида ходим (1996–1999 й.й.), Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтида ўқув ишлари бўйича проректор (1999–2011 й.й.), Ижтимоий фанлар кафедраси мудири каби лавозимларда (2011–2016 й.й.) хизмат қилди.

Проректорлик вақтида институтда тўртта кафедра, маънавият ва ўқув бўлиmlари очилди. Институтда талабалар амалиёти учун жума намозини ўқишни йўлга қўйди.

Шу кунларда ҳам масжидда имом-хатиб бўлиб ишлаши баробарида Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат юридик университетининг ихтинослаштирилган филиали ва Тошкент ислом институтида дарс бермоқда. Айни пайтда Ўзбекистон халқаро ислом академиясида докторлик илмий ишини давом эттироқда.

**Таваккал КЕНЖАЕВ,  
Шайхонтоҳур тумани “Эшон Бобохон”  
жоме масжиди имом-хатиби**



# Тарихи Мұхаммадий

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

## АСИРЛАР ҲАҚИДА МУЗОКАРА

Шу орада Саъд ибн Нўймон деган саҳоба умра ибодатини қилмоқ учун Маккага келганды. Абу Сүфён бундан хабар топиб, уни тутиб олди. “Ўғлим Амрни Мұхаммад озод қилмас эрса, мен буни қўймасман”, деб қамоққа олди. Бу воқеа Мадинага эшилтілгандың сўнгра Саъднинг қавму қариндошлари бўлган воқеани баён қилди. Шу сабаб бўлиб, Абу Сүфён ўғли Амрни Маккага қайтарди, анинг баробарида Саъд ҳам саломат Мадинага келди. Яна асир тушган кишилардан бирори куёвлари Абул Ос ибн Рабиъ эди. Пайғамбаримиз Маккада турган чоғларида қизлари Зайнабни шул кишига берган эдилар. Бундан бошқа икки қизлари амакилари Абу Лаҳабнинг ўғилларига тушган эди. Пайғамбаримизга қилган душманлиги орқали буларни ажратиб олишга мажбур бўлдилар. Буни кўрган Қурайш мушриклари Зайнабни ҳам талоқ қилишини Абул Осга таклиф қилган бўлсалар ҳам, Абул Ос: “Аллоҳ оти билан қасам қилурман, рафиқам Зайнабдин ҳаргиз ажралмасман, Қурайш хотин-қизларидан ҳеч бирини унга тенг кўрмасман”, деб аларнинг сўзларини қайтардилар. Зайнаб Абул Осга фидя молини юборай дер эрса, анинг юборгудек ҳеч нарсаси йўқ эди. Ноchor бўлиб, бўйинга осар мунчоқларини фидя моли ўрнида Мадинага юборди. Бу нарсани онаси ҳазрат Хадича қизлари келин бўлиб тушган тунида бўйинга таққан эди. Фидя моли учун келтирилган қизларининг бўйин мунчоқларини қўриб, Расулуллоҳнинг кўнгиллари оғриди. Анда саҳобаларга айтдилар:

– Агар рози бўлсанглар, Зайнабнинг юборган бўйин осмаларини унга қайтариб, анинг асирини бўшатурсиз, – дедилар. Барчалари ризолик бериб, Абул Осдан фидя моли олинмай, Маккага қайтарилди. Лекин Расулуллоҳ

қизлари Зайнабни Мадинага қайтаришни унга шарт қилиб киши қўшдилар. Бир неча кундан кейин юборилган киши Зайнабни саломат Мадинага келтирди. Сўнгра ҳижратнинг саккизинчи йилида, Макка фатҳ бўлишидан бурунроқ, Абул Ос имон келтириб, Мадинага келди. Расулуллоҳнинг рухсатлари билан бурунги никоҳ бузилмасдан бирга бўлди.

Яна асирлардан Суҳайл ибн Амр деган киши ўзи Қурайш раисларидан бўлиб, бунинг устига, атоқли шоир ва сўзга уста эди. Бунинг тилидан мусулмонларга кўп азиятлар етмиш эди. Шунинг учун ҳазрат Умар:

– Ё Расулуллоҳ, рухсат қилинг, Суҳайлнинг олдинги икки тишини суғуриб олайин, бундан кейин араб мажлисларида сизга қарши шеър айтиб, сўз қилмоқдин ожиз қолсун, – деди. Анда Пайғамбаримиз:

– Эй Умар! Инсондаги Аллоҳ ясаган аъзоларни бузгани бўлмас, агар у бу кунгача қарши сўз қилган бўлса, бир кун бўлурким, Ислом ёрдамида яхши сўзлар қилиб, Аллоҳ ризолигини топгай, – дедилар.

Расулуллоҳнинг бу айтган сўзлари вафотларидан сўнгра деганлариdek тўғри чиқди. Пайғамбаримизнинг вафотларида иймон-ислом ҳақиқати билан ўрнашмаган бир неча араб қабилалари муртад бўлдилар. У чоғда Макка халқи ҳам янги мусулмонлардин эди. Булар ҳам муртад бўлишга мойил бўлишди. Шу чоғда Суҳайл туриб, Аллоҳга ҳамду сано айтгандин кейин кўпчилик халқ ичida ўткир бир нутқ сўзладиким, мазмuni бу эрди:

“Эй одамлар! Ҳар кимса Мұхаммад учун Исломга кирган бўлса ва ҳам Мұхаммадга ибодат қилган эрса, аниқ билсинки, Мұхаммад вафот бўлди. Агар Аллоҳга имон келтириб, ибодатни Аллоҳга қилса, ул Аллоҳ тириқдур, ул ҳозиру нозирдур, доимий боқийдур. Аллоҳ Қуръонда хабар берган:

إِنَّكُمْ مَيْتُونَ وَإِنَّهُمْ مَيْتُونَ

“Иннака майитун ва иннахум майитун” [Зумар, 39/30]. Маъноси: “Эй Мұхаммад, сен ҳам бир кун ўлурсан, ўтган пайғамбарлар ҳам ўлганлар”. Яна Аллоҳ айтди:

وَمَا مُحَمَّدٌ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِهِ الرُّسُلُ

**“Ва мо Мұхаммадун илло расулун қад халат мин қаблихир-русул”** [Оли Имрон, 3/144]. Маъноси: “Мұхаммад инсондин чиққан пайғамбардур, бундан бурун ҳам қўп пайғамбарлар ўтгандурлар”.

أَفَإِنْ مَاتَ أَوْ قُتِلَ انْتَلَيْتُمْ عَلَىٰ أَعْقَابِكُمْ

**“Афаин мата ав қутилан қалабтум ало аъқобикум”** [Оли Имрон, 3/144]. Маъноси: “Мұхаммаднинг ажали етиб ўлса ё душманлари томонидан ўлдирилса, диндан чиқиб, илгариги йўлинглар – қуфрга қайтасизларму?” демак. Бу оятларни далил келтиргандин сўнгра яна Суҳайл айтди:

– Худо ҳаққи, мен аниқ билурман, бу Ислом дини янги чиққан қуёш янглиғдур. Соат сайнин юқорига кўтарилигай. Бир кун бўлурким, бу қуёш бутун оламни ёритгай. Бўш иймонлик бир неча кишилар сўзига алданмангалар. Аллоҳга таваккал қилинглар. Аллоҳ ҳаққи, дини Ислом оёқ узра доим турғусидур. Аллоҳ сўзи – Куръон, албатта, камолига еткусидур. Бу динга ёрдам бергувчиларга Аллоҳ ёрдам берур. Ичимида энг яхшимиз Абу Бакр Сиддиқ бу динга бош бўлди. Бундан бўён кундан-кунга Ислом дини янада кўтарилиб, кувват топгай, – деб сўзини тамом қилди<sup>1</sup>.

Иймон-исломи ўрнашмаган, Пайғамбарамизнинг вафотларини эшишиб, кўнгиллари қўзғалиб турган бирмунча одамлар бунинг сўзини англашгандин кейин ўтга сув сепгандек бўлиб босилдилар. Бу мўъжизани кўрингларким, саккиз йил илгари бу киши Бадр урушида асир тушган эди. Ҳазрати Умар: “Ё Расулаллоҳ, рухсат қилинг, бунинг олди тишларини сугуриб олай, иккинчи ҳеч бир жойда сизга ва мусулмонларга қарши сўзга чиқолмай қолсун”, деганида Ра-сулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– Эй Умар! Бир кун келурким, бу киши Ислом дини ҳақида қўп фойдали сўзлар қилгай, – деган эдилар. Саккиз йил кейин юқоридаги ваъзни сўзлаб, бу мўъжизани исбот қилди.

Яна ўз сўзимизга қайтайлик. Микраз ибн Ҳафс деган киши юқоридаги ваъзни сўзлагувчи Суҳайл ибн Амрга фидя моли бермак бўлиб, Мадинага келди. Уни асир тутиб, сақлаган киши билан бу ҳақда сўзлашиб ке-

лишди. Келувчи кишини асир ўрнида тутқин олиб, Суҳайлни бўшатдилар. Сўнгра ўзи бориб, Маккадин келтирган фидя молини топширгандан кейин ҳар иккови бирга Маккага қайтдилар.

Яна Валид ибн Валид, бу киши ҳам асир тушганлардин эди. Икки қариндоши – бириси Холид, иккинчиси Ҳишом фидя молларини бериб, буни кутқардилар. Бу киши Макка шаҳрига келгандин сўнгра дарҳол имон келтирди. Унга айтдилар:

– Фидя молини бермасдин бурунроқ имон келтирган бўлсанг, молинг ўзингга қолган бўлур эди. Анда ул айтди: – Молини қизғаниб, моли учун имон келтирди, демасинлар, – деди. Сўнгра Мадинага ҳижрат қилмоқчи бўлган эди, қариндошлари тўсиб қайтардилар.

Яна Ваҳб ибн Умайр ҳам Бадр асирларидан эди. Бунинг отаси Умайр Курайш шайтонларидан бўлиб, Расулуллоҳ Маккада турган чоғларида ундин қўп изо-кулфатлар кўрган эдилар. Бир куни Курайш раисларидан Сафвон ибн Умайя билан ўлтиришиб, Бадр урушида ўлганларни эслашиб йиғлашдилар. Шу орада Умайр:

– Ҳозир бўйнимда бирмунча қарз бордур. Буни тўлаб қарздан қутулей десам, қўлимда молим йўқдур. Агар ўзим ўлиб кетсам, бола-чақаларим чоғой бўлиб, хору зор бўлғайларму деб кўрқинчим бор. Агар шул ишларим бўлмаса, Аллоҳ ҳаққи, Мадинага бориб, Мұхаммадни ўлдирап эрдим. Ўғлим улар қўлида асирудур, шуни баҳона қилиб борур эдим, – деди. Бу сўз Сафвоннинг тилаги бўлганидан унга қўп хуш келди. Анда Сафвон айтди:

– Агар шундоқ қилур бўлсанг, қарзингни ўз бўйнимга олурман. Бола-чақаларингни ўз аёл ва оиласига қўшурман. Умайр:

– Агар сен шундоқ қилур бўлсанг, мен ҳам шу сўзимдан қайтмасман, – деди.

**Алихонтўра СОҒУНИЙнинг  
“Тарихи Мұхаммадий” асаридан**

**Давоми бор...**

<sup>1</sup> Имом Ҳоким. Ал-Мустадрак, 3/318; Имом Байҳақий. Далоилун-нубувва, 6/367.



**Тайланд қироллиги – эртакмонаңд мамлакат. У қадимда “Сиам” деб аталған. Бу давлат Жануби-Шарқий Осиё, Хиндихитой яримороли, унинг жанубида (Малай яриморолининг шимолий қисмида) жойлашган.**

Тайландда 1932 йили мамлакатнинг биринчи конституцияси қабул қилинди. Тайланд расман конституцияйи монархия ҳисобланади.

Тайланд давлати аҳолиси 70 миллионга яқинлашиб қолған ва уларнинг асосий қисми тайлардир. Шимолда асосан тоғлик аҳоли, жанубда – малайлар. Энг кенг тарқалған этник гурұхлар Жануби-Шарқий Осиёга хос бўлған лаос, мон, кхмер ва бошқалардир. Тахминан, 10 фоиз аҳоли хитойликлар, аммо улар маҳаллий аҳолига мослашиб кетган, шу боис уларни ажратиш қишин.

Тайланд – кўп тилли мамлакат, асосий ўринни тайтили эгаллайди.

Хитойликлар иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида, хусусан, савдо соҳасида етакчилик қиласиди. Малайлар – Таиланддаги учинчи йирик этник гурӯхдир. Улар Исломга эътиқод қиласиди. Малайлар тай тилларида гапиради ва қиролликнинг тўртта жанубий вилояти – Наратхиват, Паттани, Яла ва Сатунда истиқомат қиласиди. Шунингдек, катта-кичик шаҳарларнинг барчасида ҳиндлар ҳам яшайди.

Ислом Таиландга XX асрнинг иккинчи ярмида ёйила бошлади. Айни дамда Таиландда ўтроқлашиб қолған малайлар, покистонликлар, тамиллар ва панжобийлар, шунинг билан бирга, Камбожадан келган қочоқлар эътиқод қиласиди.

Мусулмонлар Таиланддаги диндор аҳолининг атиги 7 фоизини ташкил қиласиди.

Хозирги вақтда Таиландда мусулмонлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Бу мусулмон оилаларида туғилишнинг зиёдалиги ҳамда тайликларнинг Исломни қабул қилишлари билан боғлиқ. Бунинг натижасида мамлакатда янги масжидлар ва мадрасалар ҳам кўпаймоқда.

Дамин ЖУМАҚҰЛ тайёрлади.

## ЖАЗИРАМАДА НИМАЛАРНИ ИЧИШ ФОЙДАЛИ?

**К**ундалик таомномада енгил қазмий таомлар бўлиши мақсадга мувофиқ. Ёғли таом, ширинилклар қувватни кучайтиради ва тананинг қизишига, қоннинг тез айланишига сабаб бўлади. Иссиқ таъсирда сустлашган ошқозон-ичак тизими фаолияти зўриқади. Шунинг учун иссиқ кунларда суюқ таомлар, айрон, қатик, мева-сабзавотлар истеъмол қилиш фойдали. Салқин ичимликлар терлаш натижасида йўқотилган сув, зарур оқсил, витамин ва минераллар ўрнини тўлдиришда асқатади.

Энг яхши чанқоқбосди ичимликлар: кўк чой чанқоқни яхши қондириб, инсонга куч бағишлиайди, юқумли ошқозон-ичак касалликларидан яхши ҳимоя қиласиди. Шакарсиз компотлар, айрон, нордон мевалар шарбатлари кучли чанқоқбосди ичимликлардир. Газланмаган минерал сув ва қайнатиб совутилган сув ичиш ҳам фойдали. Ширин, қуюқ мева шарбатлари чанқоқни кучайтиради. Лимонли чой – дастлаб танани бироз қиздирса-да, сўнг кучли терлатади, танани иссиқликтан ҳимоялаб, сув ва туз мўътадиллигини сақлашда ёрдам беради.

Турли хил газланган ичимликлар ичишни чегаралаш лозим. Улардаги сунъий бўёқлар, турли маза берувчи қўшимчалар соғлиққа зарарли, чанқоқни кучайтиради. Қайнатилмаган сув ичманг, унда турли юқумли ошқозон-ичак касалликларини чақиравчи микроб ва вируслар бўлиши, қорин тифи, вабо, вирусли гепатит, ичбуруғ каби касалликларни келтириб чиқариши мүмкун.

**Соҳида ҚОСИМОВА,  
Оқдарё туман тиббиёт  
бирлашмаси шифокори**